

АБДУЛАҲАД МУҲАММАДЖОНОВ

Қанғ — қадимги Тошкент ва тошкентликлар

(тарихий лавҳалар)



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2009

Масъул муҳаррир
Маргарита Ивановна Филанович

ISBN 978-9943-00-447-4

© «Shaғq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2009.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Миллий мафқурани шакллантиришдаги энг катта манба — бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафқуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди.

ИСЛОМ КАРИМОВ

КИРИШ

Чирчиқ водийсининг серунум ва обод марказий қисмига жойлашган ҳозирги Тошкент Ўрта Осиёда қад кўтарган қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у икки минг икки юз йиллик тарихга эга. Ўзининг йигирма икки асрлик ўтмиши давомида бу кўҳна шаҳримиз ташқи босқинчиларга қарши олиб борилган не-не жангу жадалларни ва не-не ўзаро қонли урушлар-у қўзғолонларни кўрмади. Неча бор шаҳар вайрон бўлди, яна қайта-қайта қад кўтарди. У неча бор тикланиб қолмай, унинг тутган ўрни ҳам, номи ҳам бир неча марта ўзгарди.

Хўш бу кўҳна шаҳарнинг илк бор бинолари ҳозирги Тошкентнинг қайси қисмида қад кўтарди ва у қачондан бошлаб «Тошкент» номи билан шуҳрат топди? Бу ерда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиб, унинг ривожланиши боиси нимада?

Афсуски бундай саволларга ёзма манбаларда аниқроқ жавоб топиш бирмунча мушкул. Чунки




Тошкентнинг узоқ ўтмиши ва у қад кўтарган қадимги Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда жуда хилма-хил ҳамда узуқ-юлуқ тарзда қайд этилиб, бир-бирига зиддир. Масалан, оташпарастларнинг қадимий муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё ҳавзасидаги вилоят «Турон», аҳолиси эса «тур»лар деб юритилган.

Бу ўлкада тур қавмлари уруғ ва қабила оқсоқолларининг диний ва сиёсий қароргоҳи Қанг (Қанга) шаҳри борлиги тилга олинади. Қадимги форс китобларида келтирилган маълумотларга қараганда, Сирдарёдан шимолда «Сак» номи билан шуҳрат топган жанговар қабилалардан ҳисобланган «Сака Хаумаварка» яъни — зардуштийларнинг муқаддас таоми «хаума» тайёрлаб истеъмол қилувчи — саклар яшаганлар.

Бундай маълумотларга қарама-қарши ўлароқ, қадимги дунё муаллифлари Сирдарёнинг ўнг қирғоғида яшаган сак қабилалари тўқайзор ва тоғ унгурларида яшаганликлари ва уларнинг диёрида шаҳарларни мавжуд эмаслиги ҳақида қайд этишган. Ҳатто қадимги Юнон ва Рим тарихчилари Сирдарёнинг ўнг соҳили бўйлаб дастлабки шаҳарларнинг қад кўтаришини эллинларнинг шаҳарсозлик фаолияти билан боғлайдилар. Рим тарихчиси Плинийнинг хабар беришича, селевкийлар лашкарбошиси Милетлик Демодем (милоддан аввалги III аср) узоқ шимолишарқда Сирдарёнинг ўрта оқимига томон ҳарбий юриш қилиб, ўз қўшинлари билан Сирдарё соҳилларига етган ва дарёдан ўтиб, ўнг қирғоқда шаҳар барпо қилдирган экан.





Тошкентнинг археологик харитаси.

Селевкийлар подшоҳи Антиох I Сотер номини улуглаш мақсадида бу шаҳарга Яксарт орти Антиохияси (Антиохия за Яксарт), яъни Сирдарёнинг нариги томонидаги Антиохия шаҳри деган номни берган. Плинийнинг бу маълумотига суяниб фикр юритилса, Тошкент воҳасида энг қадимги шаҳарлардан бири даставвал милоддан аввалги III асрда қад кўтариб, унинг номи Яксарт орти Антиохияси бўлган дейиш мумкин. Аммо эллинлар асос солган бу кўҳна шаҳарнинг Сирдарё ҳавзасининг қайси ерида жойлашгани тарихда ҳали ҳам аниқ маълум эмас.

Ҳозирги Тошкент воҳасида қадимги шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиб, бу ўлкада илк бор катта-кичик шаҳарларнинг барпо бўлиши тарихи ёзма манбалардан кўра Тошкент ҳудудида қад кўтарган қадимги шаҳарларнинг харобалари ҳисобланган тепалар қаърида тўлароқ ва аниқроқ сақланган. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳрининг қадимги тарихи саҳифаларини тиклашда бизнинг давримизгача тепа шаклида сақланиб қолган археологик обидалар асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки бундай ёдгорликларда археологик тадқиқотлар олиб бориш билан фақат шаҳарнинг қадимий қиёфасигина эмас, балки Тошкентга асос солган қадимги шаҳарликларнинг турмуш тарзи, ҳўжалиги, маданияти ҳамда диний эътиқодлари ҳам ашъвий топилмалар воситасида аниқланмоқда.



Тошкент ва унинг воҳасида ҳозиргача сақланиб келаётган археологик ёдгорликларни ўрганиш ўтган асрлардаёқ бошланган эди. Тошкент Республикамиз пойтахтига айлантирилгач эса бу ишга алоҳида эътибор берилди. Тошкент шаҳри ва унинг атроф туманларида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети археология кафедраси, Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва Археология институтлари ҳамда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи олимлари томонидан мунтазам археологик кузатув, қидирув ва қазилма ишлари олиб борилди. Тошкентнинг археологик обидаларини тадқиқ қилиб, унинг қадимги тарихи саҳифаларини тиклашда, айниқса М.Е.Массон, А.И.Тереножкин, Г.В.Григорьев, Т. Мирғиёсов, Я.Ф.Фуломов, В.А.Шишкин, Г.В.Пар-

фенов, В.А. Булатова, У. Исломов, М.И. Филанович, Ю.Ф. Буряков, Д.Г. Зильфер, Г. Дадабаев, С.Б. Лунина, З. Усманова, Д.П. Вархотова, Л.Г. Брусенко, М.Аминжанова, М.С. Мершиев, В.И. Спришевский, Н.И. Крашенинникова, А. Кабилов, Х. Дуке ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Тошкент шаҳри ҳудудида бевосита олиб борилган археологик тадқиқотлар айниқса 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг кенг кўлам касб этди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси Я.Ф. Фуломов ташаббуси билан махсус «Тошкент археологик экспедицияси» ташкил этилди. Ҳозирги вақтга қадар истеъдодли археолог-олима Маргарита Ивановна Филанович раҳбарлиги остида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институтининг махсус экспедицияси Тошкентда қизғин археологик қазилар ишларини давом эттирмоқда.

Кўп йиллик археологик тадқиқотлар натижасида аввало шундай воқелик аниқландики, Сирдарё ҳавзаси ҳудудларида яшаган қадимги сак қабилаларининг ҳаммаси ҳам кўчманчи чорвадор бўлмаган. Чунончи, Оҳангарон ва Чирчиқ дарёларининг тармоқлари бўйлаб жуда кенг майдонда бундан 3000 йилча муқаддам деҳқончилик хўжаликлари шаклланиб, қадимги сакларнинг бир қисми дарё тармоқларининг тошқин сувларидан ҳосил бўлган табиий захоб ерлар ва кўлмак ҳамда лойқалардан фойдаланиб ўтроқ деҳқончилик билан кун кечирган. Шу асосда кўплаб дастлабки ўтроқ манзилгоҳу қишлоқлар ва кейинчалик илк шаҳарлар ҳам вужудга келган. Маълум бўлишича, ҳозирги Тошкентнинг жанубий қис-



ми ўша қадимги ибтидоий деҳқончилик маданияти ташкил топган воҳанинг ўрнида экан. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда худди шу ҳудуддан ибтидоий деҳқончилик маданиятига мансуб ёдгорликлар ҳамда илк шаҳар маданияти излари топилиб ўрганилмоқда.

Тошкентнинг қадимги тарихи тўғрисидаги лавҳалар баён этилар экан, аввало шуни айтиш керакки, ўлкада илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиб, шаҳарнинг қад кўтариши шу ўлкада яшаган қадимги чорвадор ва деҳқон аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги улкан тарихий жараён бўлиб, бу жараён шубҳасиз ўлканинг ўзлаштирилиб обод этилиши, айниқса унда чорвачилик ва деҳқончилик хўжалиklarини ташкил топиши ҳамда ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг ривожланиш тарихи билан узвий боғланиб кетади. Тошкент воҳасида чорвачилик айниқса деҳқончилик маданиятининг шаклланишининг чуқур илдизлари эса ўз навбатида, бу ўлкада жуда қадим замонлардан бери яшаб келган аҳолининг ҳаётига ва у яратган ибтидоий маданиятга бориб тақалади.



ТОШКЕНТ ВОҲАСИДА ИБТИДОЙ МАДАНИЯТ ИЗЛАРИ

Маълумки, Тошкент воҳасининг табиий шароити: мўътадил иқлими-ю зилол сувлари ҳамда ранго-ранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жуда қадим замонларданоқ бу ўлкада одамзоднинг яшаши ҳамда ўз илк маданиятини яратиш учун жуда қулай бўлган. Кейинги 30—40 йил давомида Тошкент вилоятининг турли туманларида археолог олимларимиз томонидан палеолит (қадимги тош) даврига мансуб ўндан ортиқ нодир археологик ёдгорликлар топилиб текширилди. Булар тоғ даралари бўйлаб жойлашган гор ва унгурлар, жарликлар ёқасида барпо этилган ибтидоий одамларнинг манзилгоҳ ва маконлари, қоятошларга битилган петроглифлар — сўқулган суратлар ва бошқалардан иборат бўлиб, улар Тошкент воҳасидагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда яшаган энг қадимги одам аждодлари ҳаётини, унинг яратган ибтидоий маданиятини ўрганишда нодир ва қимматбаҳо манба ҳисобланади. Бу ёдгорликлар орасида энг қадимийси Оҳангарон шаҳри яқинида, Қизилолмасой ёқасида жойлашган Кўлбулоқ маконидир. Бу ёдгорлик бир неча юз минг йил давомида ибтидоий одам тўдалари яшаган бошпаналарининг вайрона қолдиқлари бўлиб, у 1963—1990 йилларда палеолитшунос олим марҳум Мирвоҳид Қосимов томонидан қазилиб ўрганилди. Бу ибтидоий макон минг йилликлар давомида ҳосил бўлган 20 метрдан ортиқ қалинликдаги маданий қатламдан иборат бўлиб, ундан қайроқ ва чақмоқ




тошлардан ясалган бир неча юз мингдан ортиқ тош қуроолар, гулхан излари, турли хил ҳайвонларнинг минераллашиб кетган суяк бўлаклари топилди. Кўлбулоқ маконининг юқори қатлампидан чиққан ашёлар асосан ўрта тош даврига тааллуқли бўлса, унинг остки қатламларидан ковлаб олинган кўпол тош қуроолар илк тош даврига мансубдир. Бу топилмаларга асосланиб ёдгорликнинг пастки қатламининг археологлар ашел даври билан, яъни ҳозирги кундан қарийб 300—400 минг йил муқаддам деб санасалар, геологлар уни ҳозирги кундан тахминан 500—700 минг йил аввал ётқизилган деб ҳисобламоқдалар.

Кўлбулоқ маконидан ҳамда Қизилолмасой ва Кўшсойда қайд этилган ибтидоий давр устахонасидан топилган ниҳоятда бой ва турли-туман тош қуроолар, ҳайвон суяклари ва бошқа хил топилмалар Тошкент воҳасида яшаган ибтидоий овчи ва теримчиларнинг турмуш тарзи, яратган илк маданияти, айниқса бу ўлканинг узоқ ўтмишидаги табиатини ўрганиш борасида тадқиқотчиларга хилма-хил жуда бой қимматли маълумотлар берди.

20 метрли маданий қатлам ва қайд этилган ниҳоятда бой топилмалари Кўлбулоқ жаҳон археологияси фанида ягона обида ҳисобланади. Зеро унинг остида ҳосил бўлган тарихий қатлам улкан тош даври инсонларининг юз минг йилликлар оша қолдирган буюк ҳаётномасидир. Мазкур обида Ўзбекистон қадимшунослигида улкан кашфиётдир.

Археологлар томонидан Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида Обираҳмат, Палтов (Партов), Хўжакент, Оқтош ғори ва унгуридаги маконлар, Чотқол пет-





Шоштепа. Шаҳристондаги қазिशмалар.

роглифлари, Тошкент жанубида Бўзсув ёқасида ўрта ва юқори палеолит (милоддан аввалги 150—12 минг йил) даврларига мансуб қатор ёдгорликлар топиб текширилди. Биргина Обираҳмат ғоридан археолог Р. Сулаймонов томонидан 30 мингдан ошиқроқ мустье даври тош қуроллари қайд этилди. 1962 йилда муаллиф томонидан очилган биргина Обираҳмат ёдгорлиги ва унинг 9,5 метрли маданий қатламида қайд этилган хилма-хил тош қуроллар, ёввойи ҳайвонлар суяклари ҳамда боланинг бош чаноғи бўлаклари ва тишлари археология фанида иккинчи беназир кашфиёт бўлди. Топилмалар таҳлилидан аён бўлишича, Обираҳмат макони ибтидоий аждодларнинг ҳозирги одам қиёфасини эгаллашида, яъни *Homo sapiens* (Ақлли одам)га айланиш жараёнини



белгилаб олиш имконини берди. Фандаги бу умум-башарий янгилик борасида ҳозирги вақтда археолог, антрополог ва палеонтологлар даврасида қизгин баҳс ва мунозаралар олиб борилмоқда. Мазкур маконларнинг жойлашган ўринларига қараганда, бундан қарийб 100—40 минг йил муқаддам Тошкент воҳасининг тоғлари ва тоғ олди ҳамда водий районларининг каттагина қиёми ибтидоий овчилар томонидан ўзлаштирилиб, улар Чирчиқ водийси бўйлаб анчагина кенг ҳудудларда ёйилиб яшаган. Сўнгра музликлар даври тугагач, Тошкент воҳасининг иқлими мўътадиллашиб ҳозирги вақтдаги об-ҳавога яқинлашган. Чотқол—Курама тоғ тизмаларининг юқори қисмини қоплаб ётган қалин муз ва қорликлар эриб, ҳосил бўлган ва ҳайқириб оққан сувлар Чирчиқ, Оҳангарон, Келес (Колос) дарёларини ҳосил этган. Тошкент атрофидаги адирликлардан келган баҳорги селлар ҳам бу вақтларда турли йўналишда чуқур жарликлар ҳосил қилиб, Чирчиққа бориб қуйилган. Ҳозирги Қорақамиш, Қорасарой, Жангоб, Чорсу, Чақар, Бўрижар, Чуқур кўприк ва кўпгина бошқалар ўша қадимий табиий жарликлар жумласидандир.

Бу даврларда Чирчиқ, Оҳангарон водийлари ва жарликлар кесиб ўтган паст-баланд адирлик ерлар ёввойи жийда, юлғун босган қалин бутазорлар ҳамда қамиш ва бурганзор тўқайлар билан қопланган бўлиб, бу жойлар ов ҳайвонлари ва турли-туман паррандаларга ниҳоятда бой бўлган. Тошкент атрофида археологлар томонидан қайд этилган айрим топилмаларга қараб фикр юритилса мезолит (миллоддан аввалги 12—7 минг йилликлар) ва неолит



(милоддан аввалги 6—3 минг йилликлар) даврларида овчилик ва балиқчилик билан кун кечирган қадимги аҳоли дарё водийларида тўқайзорлар ва жарликлар ёқасида истиқомат қилган. Тошкент шаҳрининг Қорақамиш мавзеида Қўшилиш маконидан археолог Ўткир Исломов томонидан топилиб ўрғанилган археологик обидалар бундан далолат бермоқда.

Қовунчи (Янгийўл), Олмазор ва Чиноз атрофларида ҳамда Тошкент шаҳрининг шарқий қисмида Паркент кўчасида топиб текширилган қатор археологик ёдгорликларга қараганда, милоддан аввалги иккинчи минг йилликларнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Жанубий Қозоғистон ерлари ҳамда Қирғизистоннинг Еттисув ўлкаси билан тутшиб кетган кенг яйловларда кўчманчи чорвадор қабилалар яшаган. Даштлик қадимги чорвадор аҳолининг мазор қўрғонлари ва турар жой қолдиқлари Жанубий Қозоғистонда — Тегискент, Қорақалпоғистонда — Тозабоғъёб, Фарғона водийсида — Водил ва Қайроққумда, Зарафшон водийсида — Мўминобод ва Қоракўл тумани яқинида топиб текширилди. Улар чорбурчак шаклида қурилган ярим ертўла чайлаларда истиқомат қилиб, қўй, эчки, қорамол ва йилқилар боққанлар. Археологик ёдгорликлардан топилган турли хил ашёвий обидаларга қараганда, Тошкентнинг қадимги даштли чорвадорлари ўзининг турмуш тарзи, хўжалиги, маданияти, урф-одати, ҳатто ташқи қиёфаси жиҳатидан Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистоннинг даштлик зоналарида чорвачилик билан кун кечирган кўчманчи қабилалар билан жуда яқин ва ўхшаш бўлган.




БУРГАНЛИСОЙДАГИ ИБТИДОЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИШЛОҚ ХАРОБАЛАРИ



Тошкентнинг жанубида Чирчиқ ва Оҳангарон водийларининг қуйи қисмида топиб ўрганилган бир қанча археологик ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида қадимги кўчманчи чорвадор қабилаларнинг бир қисми ўтроқлашиб деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган. Ҳали суформа деҳқончилик ва суғориш тармоқларини ҳамда сув иншоотларини бино қилишни мутлақо билмаган ибтидоий деҳқонлар, гарчи дарёнинг асосий оқимидан сув боғлаб олишга қурби етмаган бўлсада, лекин дарё тошқинлар адоғида вужудга келган қоқ (кўлмак)лар бўйида ҳамда табиий захоб-қайр ерларда деҳқончилик қилиш улар учун жуда қулай бўлган. Тошкентнинг ибтидоий деҳқонлари яшаган энг қадимги турар жой қолдиқлари даставвал 1940 йилда археолог А.И. Тереножкин томонидан Тошкентдан 30 км жанубда Бурганлисой ёқасида топиб ўрганилди. Бу ёдгорлик бир неча ертўла ва ярим ертўла шаклида қурилган турар жой ўринларидан иборат бўлиб, уларнинг чор атрофида кўплаб сопол идиш бўлаклари, тош ёргучоқ синиқлари, турли хил ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳамда жездан ясалган қуролларнинг парчалари сочилиб ётарди.

Шубҳасиз, бу Тошкент воҳасида вужудга келган ибтидоий деҳқончилик маданиятининг нодир обидаси эди. А.И. Тереножкин, бу ёдгорликни синчиқлаб ўрганар экан, Оҳангарон дарёсининг тармоқ-

лари ҳавзаларида қадимдан чорвачилик билан кун кечирган қабилалар милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида деҳқончилик билан ҳам шуғуллана бошлаган экан, деган хулосага келди. А.И. Тереножкин бу ёдгорликни ўша маданият излари дастлаб топилган жой номи билан «Бурганлисойнинг ибтидоий деҳқончилик маданияти» деб атайди. Тарих



Шоштепа. Милоддан аввалги II асрдаги тарҳи.

фанига у қисқача «Бурганлисой маданияти» номи билан кирди.

Кейинги бир неча ўн йиллик давомида Тошкентнинг бу ибтидоий деҳқончилик маданиятининг излари бир қанча археологик ёдгорликлар: Қовунчитепа, Шоштепа, Кулоқчинтепа, Ниёзбоштепа, Чўнгтепа, Аҳмадтепа ва Киндиктепаларнинг остки қатларида қайд этилди. Ўрта Осиё дарё водийларида бундай қадимги деҳқончилик маданият обидалари бундан аввал топилиб тадқиқ этилмагани ҳамда таққосий далилларнинг мавжуд эмаслиги туфайли Бурганлисой маданиятининг таркиб топиши фанда яқингача милoddан аввалги VI—IV асрлар билан саналар эди. Бу сана нисбий бўлса-да, шубҳасиз, Сирдарё ҳавзасида деҳқончиликнинг пайдо бўлиши тарихини анча-мунча ёшартирар ва ўлканинг қадимги тарихи саҳифаларида қандайдир узилишлар борлигидан далолат берарди. Бу орада Фарғона ва Зарафшон водийлари ҳамда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидан Бурганлисой маданиятига ўхшаш қатор ёдгорликлар қазиб очиб ўрганилди. Жумладан, Фарғона водийсининг шимолий ва шимоли-шарқий туманларида — Чустда Буванамозор, Андижоннинг Марҳамат туманида, Ойим қишлоғи яқинида Далварзинтепа ибтидоий деҳқончилик қишлоқларининг харобалари топилиб, тадқиқ этилди. Фанда бу обидалар «Чуст маданияти» номи билан аталди. Бу маданиятга мансуб ёдгорликлар Фарғона водийсида ҳозирги вақтгача 80 га яқин пунктда қайд этилди. Санкт-Петербурглик археолог олим Ю.А. Заднепровский Чуст маданияти обидаларини милoddан



аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг биринчи чораги билан саналайди. Сурхондарёда Кучуктепада қазиб ўрганилган шу типдаги ёдгорликлар милоддан аввалги X—VIII асрлар билан белгиланди. Зарафшон водийсининг юқори оқимида Сарамда тожик археолог олими марҳум Абдулло Исҳоқов томонидан қазиб ўрганилган қадимги деҳқончилик қишлоғининг пастки қатлами эса милоддан аввалги IV минг йилликнинг иккинчи ярми — II минг йилликнинг ўрталари билан саналмоқда.

Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида ибтидоий деҳқончилик маданиятига мансуб обидаларининг топилиб ўрганилиши ва уларнинг асрий саналарини нисбатан аниқланиши Тошкент воҳасида Бурганлисойда топилган ёдгорликларни қайта тадқиқ қилиб, уларнинг санасига аниқлик киритишни талаб этарди. Чунки Бурганлисой маданияти ашёларининг умумий манзараси юқорида қайд этилган обидалардан деярли фарқ қилмаса-да, ҳанузгача А. И. Тереножкин тавсия этган сана билан белгиланар эди. Бу шубҳасиз тарихий ҳақиқатдан бирмунча йироқ бўлиб, Ўрта Осиёда бундан уч минг йил муқаддам содир бўлган тарихий тараққиёт жараёнидан Тошкент воҳасини суриб, четга чиқариб қўяр эди. Бу эса тарихга мутлақо зид эди. Шу мақсадда 1974 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Археология институти Тошкент денгизи — аввалги Туябўғиз сув омбори районига махсус археологик қидирув гуруҳи йўллади. Асосий қидирув ишлари А. И. Тереножкин томонидан қайд этилган дастлабки обида жойлашган майдон атрофида олиб борилди. 1974—1977 йилларда




Ю.Ф. Буряков раҳбарлигидаги Шош-Элоқ (Илоқ) археологик гуруҳи томонидан Оҳангарон водийсининг қуйи қисмида «Тошкент денгизи» яқинида 60 дан ортиқ ибтидоий деҳқонларнинг турар жой қолдиқлари топиб ўрганилди. Бурганлисойнинг соз тупроқли сўл қирғоғининг баланд дўнгликлари ён бағрига жойлашган бу ибтидоий деҳқон турар жойларини кавлаш вақтида чуқурлиги 0,5—1 м, узунлиги 2,5—6,5, эни 2—3,5 метрли ясси, думалоқ, тўртбурчак ва квадрат шаклидаги ярим ертўла қолдиқлари очилди. Ўз вақтида, шубҳасиз, уларнинг девор ва томлари ёғоч пояларидан бино қилиниб, томи қамиш билан ёпилган. Эшик ўринлари одатда сув томонга қаратилган экан. Ярим ертўла шаклидаги бу турар жойларнинг айримлари икки ёки уч хонали бўлиб, хоналарнинг биридан иккинчисига ариқча шаклида ковланган йўлакчалар орқали қилинган. Умумий саҳни ўртача 12—16 квадрат метр чамасидаги бу турар жойлар патриархал уруғ жамоасининг жуфт оилаларга мўлжалланган. Ертўлаларнинг ичида баъзан ўчоқ қолдиқлари, гирди ва деворлари тошқоллар билан қопланиб қолган жез эритилган кўра-ўчоқлар (хумдонча) учрайди. Қазиш пайтида ҳатто қуйма қолип синиғи, жездан ясалган кўшпарракли ва зуғатали камон ўқининг пайконлари, ханжар, пичоқ, ўроқ каби иш ва жанговар қурол ва асбоблар топилди. Бу ашъвий буюмлар Бурганлисойнинг қадимги деҳқонлари хонаки дегрезлик билан ҳам шуғулланиб, ўз қишлоқларида жездан турли хил асбоб-ускуна ва қурол-яроғлар ясайдиган хонаки хунармандчилик устахоналарига эга бўлганлиги-



дан гувоҳлик беради. Улар керакли маъданларни Оҳангарон тоғларидан излаб топиб қазиб олган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Археологик кузатишларга қараганда, Оҳангарон водийсида қайд этилган қадимги Оқтош маъдан кони милoddан аввалги II минг йилликда ҳам қадимги оҳангар — «металлурглр» диққатини ўзига тортган экан.

Ярим ертўла чайлаларнинг ичи ва атрофларидан ўн икки мингдан ошиқроқ сопол идиш бўлаклари, ёрғучоқ ва ёрма тошлар, хованча дастачалари ва тошдан ясалган ўроқчалар топилди. Сопол идишлар асосан хурмача, тоғорача, това, қозон, коса ва товоқ каби турли хилдаги майда буюмлардан иборат бўлиб, ости думалоқ қилиб кўлда ясалган. Идишларнинг кўпини ичида дағалроқ тўқилган мато излари бўлиб, бу излар Тошкент воҳасининг энг қадимги кулоллари



Шоштепа топилмалари (милодий I—II асрлар).



кулолчилик чархидан ҳали фойдаланишни касб этмаган, сопол идишларни яшашда матодан тикилган халта шаклидаги қолиплар кенг ишлатилганини кўрсатар эди. Баъзи сопол идишларнинг елка қисми оч қизил ёки тўқ қора рангли учбурчак нақшлар билан безатилган. Сопол идишларни аксарияти эса нақшсиз эди. Бу топилмаларга қараганда, Бурганли-сойнинг қадимги деҳқонлари хўжалигида кулолчилик салмоқли ўрин тутган экан.

Чайла ичи ва ташқарисида жойлашган дон сақлайдиган ўралар, тошдан ясалган ўроқлар, ёрғучоқ ва ёрма тошлар ва хованча дасталарининг кўплаб топилиши Бурганлисой ибтидоий деҳқонларининг кўпроқ бошоқли ўсимликлар етиштирганидан далолат беради. Гарчи уларнинг хўжалигида деҳқончилик асосий ролни ўйнаган бўлса-да, ёдгорликларда қайд этилган йирик ва майда шохли ҳайвон суякларига қараганда, хонаки чорвачиликнинг салмоғи уларда ҳам катта бўлган. Чунки бу ўлканинг табиий шароити — серсув водийлари-ю, кенг яйловлари, қолаверса асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган чорвачилик хўжалигининг аънаналари бу икки хўжалик тармоқлари билан баробар шуғулланишга имкон берган. Шунинг учун ҳам Бурганлисой маданияти аҳолисининг турмуш тарзи, айниқса уларнинг енгил-елпи қурилган чайла типидagi ярим ертўла турар жойларига қараб фикр юритилганда, кўп жиҳатдан чорвадор қабилалар ҳаёт тарзидан кам фарқ қилган.

Минглаб сопол идиш бўлаклари, сирти ва ичида қайд этилган тўқима мато излари ҳамда қазиш вақтида топилган кўплаб сопол урчуқ тошлардан



маълум бўлишича Бурганлисой маданияти жамоаси хонаки тўқимачилик билан ҳам шуғулланган. Хуллас, тадқиқ этилган бу обидалар ибтидоий деҳқонларнинг Сирдарёнинг шимолий томонидан топилган энг қадимги қишлоқларнинг харобаси эди. Оҳангарон дарёсининг ҳар икки соҳили бўйлаб қарийб 3—3,5 км га чўзилган бу ёдгорликлардан очилган 60 та ярим ертўла турар жойларнинг зичлиги ҳамда тарқалган майдонига қараганда бу ҳудудда 13 та қишлоқ харобаси, 5 таси дарёнинг сўл ва 8 таси унинг ўнг соҳилида жойлашган. Майдони унчалик катта (ўртача 0,5—1 га) бўлмаган бу қадимги деҳқон қишлоқлари майда деҳқон уруғ ва қабилаларга мансуб бўлиб, улар ҳали на пахса ёки хом гишт ва гувалалардан мустақкамроқ иморат қуришни билган, на дарёдан канал қазиб сув чиқаришга кучи етган. Бир-бири билан ҳали яхши уюшмаган бу деҳқон тўпларининг дарё адоқларидаги деҳқончилик хўжалиги ҳам дарё тошқинларига бутунлай қарам бўлган. Шу тариқа Тошкент денгизи атрофида 1974—1977 йилларда қазилиб олинган салмоқли ашёвий топилмаларни синчиклаб тадқиқ қилиш ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида шу типдаги моддий маданият обидаларидан тўпланган турли хилдаги бой материаллар билан қиёслаш натижасида, Бурганлисой маданиятининг санаси анча қадимий эканлиги исботланди. Тошкент воҳасида вужудга келган бу қадимги деҳқончилик маданияти ҳозирги кунда милoddан аввалги IX—IV асрлар билан саналиб, унинг шаклланиш даври роса уч асрга қадимлаштирилди ва бундан роса уч минг йил муқаддам Ўрта



Осиёда содир бўлган туб тарихий ўзгаришлар жараёни Чирчиқ ҳамда Оҳангарон ҳавзаларини ҳам ўз ичига қамраб олгани маълум бўлди.

Бурганлисой маданияти ёдгорликларини синчиклаб ўрганган тадқиқотчилардан А.Аскарров ва Х.Дукеларнинг фикрича, Тошкент воҳасида яшаган қадимги маҳаллий чорвадор қабилаларнинг бир қисмини аста-секин ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтиши туфайли бу маданият асрлар давомида шаклланган. Унинг пайдо бўлишида Оҳангарон ва Чирчиқ дарёларининг майда тармоқлари ва сойлар ҳавзаларининг қулай шароити ҳамда уларга воҳа деҳқонларининг маданий таъсири асосий омиллардан бўлиб хизмат қилган.



ЖЎНАРИҚ БЎЙИДАГИ ҚАДИМГИ ҚИШЛОҚ

Чирчиқ водийсининг қуйи қисмида топиб текширилган бир қатор ёдгорликларни ҳисобга олганда қадимги деҳқончилик маданияти аста-секин жанубдан шимолга томон силжиб, милоддан аввалги VI—IV асрларда Чирчиқ водийси қуйи қисмига тарқалган. Бу маданиятнинг излари ва унга хос бўлган топилмалар Тошкент воҳасининг ғарбий қисмида жойлашган Қовунчитепа, Ниёзбоштепа, Чангтепа ва Шоштепа каби археологик ёдгорликларнинг остки қатламларида қайд этилди. Бу ёдгорликлар орасида Шоштепа айниқса диққатга сазовордир. Чунки унинг 20 м. га яқин қалин маданий қатламларини остки қисмида бизнинг давримиздан 2400—2500 йил му-

қаддам ташкил топган қадимги қишлоқнинг харобалари кавлаб очилди. Бу ҳозирги Тошкент шаҳри худудида қад кўтарган энг қадимги қишлоқ харобаси бўлиб, республика пойтахти тарихининг дебочаси худди шу ердан бошланади. Маълумки, Тошкент шаҳрининг микрорельефи ўз ташқи қиёфаси билан унга: бир мунча текисроқ аллювиал — водий зонага ва унга худди зинадек тутшиб кетган ёки геологларимиз тили билан айтганда Мирзачўл террасасига ҳамда паст-баландликлардан иборат нотекис адирлик зоналарга бўлинади. Қадимда унинг адирлик зонаси доимий оқар сувлардан маҳрум қип-қизил даштлик, водий қисми ва унга ёндашган лабоб зоналар эса Чирчиқ дарёси тошқинлари ва сизот сувлардан ҳосил бўлган Қорасув, Салор ва Жўнариқ каби табиий сув манбаларига эга бўлган. Шунинг учун ҳам Тошкентнинг энг қадимги ўтроқ деҳқонлари даставвал унинг водий қисмини ўзлаштиришга киришганлар. Натижада, милоддан аввалги VI—IV асрларда ҳозирги Тошкент шаҳри худудида Қорасув—Салор—Жўнариқ ёқаларида дастлабки илк қишлоқлар қад кўтара бошлаган. Шулардан бири Жўнариқ бўйидаги Шоштепаннинг остки қатламидан археологларимиз томонидан қазиб ўрганилган қишлоқ харобасидир. Гарчи бу нодир ёдгорликни остки қисми обидалари ҳали тўла ковлаб очилмаган бўлса-да, бироқ бу ерда қайд этилган топилмаларда бу қадимги қишлоқнинг умумий қиёфаси, хўжалиги ва турар жойлари, хуллас аҳолисининг моддий маданиятини тўла манзараси намоён бўлди. Бир томони Жўнариққа ёндашган бу қадимги мавзе, атрофи тупроқ марза



билан ўралиб, афтидан у ҳақиқий қишлоқ, қадимги ибора билан айтганда «Кат» қиёфасини ола бошлаган. Қишлоқдаги турар жойлар марказида ўчоқлар ўрнатилган ярим ертўла уйлардан иборат бўлиб, аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Маданий қатламларда қайд этилган уй ҳайвонлари суякларига қараганда Шоштепанинг қадимги аҳолиси чорвачиликда майда ва йирик шохли ҳайвонлардан ташқари, йилқичилик ҳамда туячилик билан ҳам шуғулланган. Топилган турли



Шоштепа. Айланма йўлагининг умумий манзараси.

хил ёввойи ҳайвонлар суяклари эса хўжаликда овчилик ҳам маълум даражада ўрин тутганидан далолат берар эди. Қадимги шоштепаликлар жезни эритиб, темирни тоблаб, қурол-яроғ ва асбоб-ускуналар ясашни, кулолчилик ҳамда тўқимачиликни яхши билган. Жўнариқ қовағида қайд этилган, илк қишлоқ харобалари сақланган жойлар Тошкент воҳасининг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти обидалари тарқалган ҳудудининг энг чекка шимолий чегараси ҳисобланган. Бу ўлканинг кенг яйловларида кўпдан бери чорвачилик билан кун кечириб келаётган аҳоли томонидан яратилган ўша даврнинг тарихий манзарасида, улар худди айрим-айрим ҳолда турган оролчаларни эслатар эди. Шоштепада археологик қазिशмалар олиб борган археолог М.И. Филановичнинг фикрича, ёдгорликнинг қуйи қатламида қазиб очилган қадимги деҳқончилик қишлоғининг харобалари Бурганлисой маданиятининг сўнгги босқичига мансуб бўлиб, у милoddан аввалги VI—IV асрлар билан саналади.

Бу даврда қадимги деҳқонлар ҳаётида содир бўлган йирик ўзгаришлардан бири суғорма деҳқончиликка ўтиш бўлди. Эндиликда Шоштепа қишлоғида истиқомат қилган қадимги деҳқонлар ҳам Чирчиқ дарёсидан ажралиб чиққан Салор ва Қорасув ҳамда уларнинг пайнови ҳисобланган Жўн каби анҳорлардан майда суғориш тармоқлари воситаси билан сув боғлаб деҳқончилик қила бошлаган. Суғорма деҳқончиликка ўтиш шубҳасиз бу хўжаликнинг кенгайишига ҳамда у билан боғлиқ бўлган хонаки ҳунармандчилик тармоқларининг ривож топишига



олиб келади. Шоштепа босқичи ёдгорликларидан ўроқ, омовчи тиши каби жездан ясалган деҳқончилик қуролларини кўплаб топилиши шундан дарак беради.

Шундай қилиб, Шоштепада кавлаб очилган қадимги деҳқончилик қишлоғидан тўпланган археологик ашёвий топилмалар ҳозирги Тошкент ҳудудларида деҳқончилик хўжалиги шаклланиб, атрофи тупроқ марзалар билан ўралган қўрғон типига қадимги қишлоқ пайдо бўлиши тарихига ойдинлик киритиш имконини бери. Бу қишлоқлар кейинчалик Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланиб, қадимги Тошкент шаҳрини аста-секин қад кўтаришида замин бўлди.

Хўш, Тошкент воҳасида илк бор деҳқончиликка асос солган, сув бўйларида қишлоқлар барпо этиб, тўп-тўп бўлиб яшаган бу қадимги аҳоли қандай қабилаларга мансуб бўлган. Юқорида қайд этилганидек, улар қадимги дунё муаррихлари тилга олган Яксарторти саклари ёки Қадимги Форс китобаларида кўрсатилган Хоумаварка саклари қавмларидан бўлиб, улар зардуштий (оташпараст)ларнинг қадимги муқаддас китоби «Авесто»да «жанговар турлар» деб аталган. Ҳақиқатдан ҳам бу аҳоли ниҳоятда жанговар бўлиб милоддан аввалги 329 йилда қадимги Бактрия ва Суғд вилоятларини босиб олиб, Сирдарё бўйларига-ча етиб келган македониялик Искандар замонасининг илғор ҳарбий техникаси билан қуролланган каттагина қўшинига қарши чиққан ва қадимги Кирапол (ҳозирги Хўжанд) шаҳри яқинида уни тирибаронга тутиб, дарёнинг ўнг қирғоғига ўтишга қўймаган шаклар мана шу «Яксарторти» қабилалари эди.



Уларнинг каттагина қисми ҳали кўчманчи чорвадорлик ҳаётини кечирса-да, аммо Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида яшайдиганлари аллақачон ўтроқ деҳқончиликка кўчган ва анча-мунча маданийлашган аҳоли эди.

ШОШТЕПА — ИЛК ШАҲАР ИБОДАТҲОНАСИ ХАРОБАСИ

Археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалардан маълум бўлишича милод бўсағасида, бир томондан Фарбий Сибир ва Олтойда яшовчи чорвадор қабилаларнинг Ўрта Осиё томон милоддан аввалги V—IV асрлардаёқ бошланган кўчиши ниҳоятда кучаяди, иккинчи томондан маҳаллий сак қавмлари билан қоришиб даштлик чорвадор аҳолининг каттагина қисми ўтроқлашади, деҳқончилик хўжалиги тобора кенгайиб боради. Сирдарё ҳавзасида бу даврда алоҳида-алоҳида суғорма деҳқончилик воҳалари вужудга келиб, кўплаб қишлоқлар қад кўтаради. Ҳунармандчиликни ривожланиши ҳамда ўтроқ деҳқонлар ва чорвадор аҳоли ўртасида айирбош савдонинг кучайиши натижасида айрим қишлоқлар кенгайиб аста-секин шаҳар тусини ола бошлайди ва уларда оммавий ибодатхона барпо этилди.

Мана шундай энг қадимги шаҳар саждагоҳлардан бирининг харобаси ҳозир Тошкент ҳудудида Шоштепада М.И. Филанович бошчилигидаги Тошкент археологик экспедицияси томонидан қазиб ўрганилди. Археологик қазिशлар шуни кўрсатдики, милод-



дан аввалги II—I асрларда Шоштепада қадимги қишлоқнинг харобалари устида атрофи қалин айланма девор билан ўраб олинган доира шаклидаги қалъа қад кўтарган. Қалинлиги 4 метрли шаҳар девори йирик ҳажмдаги хомғишлардан уриб чиқилган. Диаметри 60 метрли кўрғон деворининг ички айланаси бўйлаб томи равоқсимон қилиб ёпилган узун йўлак (коридор) бино қилинган бўлиб, у бир нечта қисмларга бўлинган. Ҳар бир қисмнинг ташқарига олиб чиқадиган дарвозачалари бўлган.

Кўрғоннинг марказий қисмида хоч (бут) шаклида қурилган монументал бино бўлиб, унинг деворлари 1,6—2 м қалинликда хомғишлардан урилган. Бино қатор кетган параллель хоналар ва йўлакларга ажратилган, томи равоқсимон қилиб ёпилган. Пеш-



Кўчқор бандли бир қулоқли хўқачалар. I—IV асрлар. Шоштепа.

тоқи бинонинг шимолий қанотида бўлиб, у равоқли дарвозахона ва унинг икки биқинига жойлашган пайконсимон дарчалар билан таъминланган. Баъзи бир хона деворларида эса, ҳатто қизил бўёқ излари сақланиб қолган. Шоштепада ковлаб очилган қадимги кўрғонли илк шаҳар ибодатхона мажмуасининг умумий тархи: йўлакли айланма ташқи девори-ю, хочсимон марказий биноси, равоқли пештоқию, пайконсимон дарчаларига қараганда, у аввалдан анчагина пухта ўйланган режа асосида қурилган замонасининг нодир меъморий обидаларидан ҳисобланади. Бу ноёб археологик обида тадқиқотчисининг фикрича, қадимда Шоштепа ўрнида бундай қурилиш — меъморчилик мажмуасининг барпо этилишида Ўрта Осиёнинг жануби ва Хоразмнинг қадимги шаҳар маданияти анъаналарининг сезиларли таъсири бўлган.

Бу ажойиб археологик ёдгорликнинг маданий қатламларидан Тошкентнинг илк бор биноларини қурган қадимги шаҳарликларнинг маишати, хўжалиги ва қўшни ўлкалар аҳолиси билан олиб борган савдосотиқларидан далолат берадиган кўпдан-кўп ашёвий топилмалар қазиб олинди. Археологик қолдиқларга қараганда ўша вақтда қадимги тошкентликлар ҳаётида деҳқончилик ва чорвачилик билан бир қаторда ҳунармандчилик, айниқса кулолчилик ҳамда темирчилик ва аравасозлик муҳим ўрин тутган. Топилмалар орасида уй-рўзгор ва хўжалик буюмлари анчагина бой бўлиб, улар хум, хумча, кўза, бир қулоқли ва жўмракли хўқачалар, икки қулоқли қозонлар, това, сувдонлар, хўкиз бошли кабоб кўралар, ёйсимон



ёрғучоқлар, темир пичоқ, ўроқ ва ҳоказолардан иборатдир. Хуллас, буларнинг ҳаммаси кўчманчи дашт билан ўтроқ деҳқончилик воҳаси чегарасида узоқ асрлар давомида ёнма-ён яшаган ҳамда бири-бири билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган қадимги қавмларнинг яратган ўзига хос маданиятининг маҳсули эди. Бу маданият археология фанида «Қовунчи маданияти» номи билан шуҳрат топди.

Қазилмалар чоғида Шоштепадан ихтисослаштирилган хунармандчилик маҳсулотининг бир қатор нишонлари қайд этилиб, кенг қўламда ташқи савдо алоқаларидан гувоҳлик берувчи турли хил ашёлар топилди. Қазилмалардан топилган иккита нодир буюм айниқса диққатга сазовордир. Улардан бири фил суягидан ясалган қадаҳнинг бир бўлаги ва иккинчиси суякдан ишланган ингичка қалам бўлиб, улар қадимги шаҳар ҳаётининг қоронғи саҳифаларини бир мунча ёритиш имконини беради. Ҳажми 5—3,5 см суяк қадаҳ парчасида пешонабоғ ўраб, бошига улкан кулоҳ кийган кенг пешонали, от юзли, қиррабурун, бодом қовоқ, серсоқол ва мўйлобли эркак кишининг сиймоси қабартма қилиб тасвирланган. Қизиғи шундаки, бу ноёб ашё ва унда тасвирланган персонаж антик давр Парфия тасвирий санъатига хос бўлиб, айнан шунга ўхшаган топилма 1905 йилда археолог Б.В. Фармаковский томонидан Қора денгиз соҳилида юнонликлар қурган қадимги Ольвия шаҳарини қазилган вақтида топилган эди. Бунга ўхшаш қадаҳлар милоннинг II асрида Шимоли-Шарқий Эрон ва Туркманистоннинг жанубий қисмида жойлашган қадимги Парфияда ясалган. Шубҳасиз



Шоштепа топилмаси ҳам қадимда Хитой ва Ҳиндистонни Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан боғлаган «Улуғ ипак йўли» орқали Парфиядан олиб келинган буюмлардан бўлиб, бу савдо йўли ўша вақтлардаёқ Тошкент воҳасини ҳам қамраб ўтганидан далолат беради. Хуллас, Тошкентнинг қадимги аҳолисини маданияти ва савияси анча-мунча юқори даражада экан-ки, бундай қимматбаҳо ва нодир буюмларга бу ерда ўша замонлардаёқ талаб бўлган.

Шаҳар маданиятини қандай даражада бўлгани тўғрисида фикр юритиш имконини берадиган иккинчи бебаҳо топилма стиль — суяк қалам милоннинг I—II асрларига мансуб бўлиб, у худди шу ернинг ўзида ясаиб ишлатилган. 15 сантиметр узунликдаги бу суяк қаламнинг бир томони ёзиш учун учли қилиб, иккинчи ўчирғич томони эса илонни бошини эслатадиган ромб шаклидаги куракча қилиб ясалган. Мўм суртилган тахтачаларга стиль билан ёзиш Юнонистон, Рим, Парфия, Мурғоб (Маргиана), Бақтрия ва Суғда кенг тарқалган бўлиб, бироқ Чоч вилоятида антик даврда хат-саводни мавжудлиги белгилари маълум эмас эди. Бу ҳудудда биринчи марта топилган бу нодир суяк қалам милоннинг I—II асрларида Тошкент воҳасида ҳам хат-саводни ҳамда хаттотликни мавжуд эканидан далолат беради.

Демак, Шоштепада қазиб очилган археологик обидалар шаҳарнинг мустаҳкам муҳофаа девори, монументал меъморий мажмуаси, ҳунармандчилик маҳсулотлари, хат-савод ва айирбош савдодан дало-



лат берувчи топилмалар милод бўсағасида Тошкент воҳасида шаҳар маданияти ривожланиб Шоштепадаги қадимги қишлоқ шаҳар қиёфасини ола бошлаганини кўрсатади. Гарчи бу шаҳар ўша вақтларда Сирдарёнинг Қуйи ва Ўрта оқимида ташкил топган Қанғ давлатининг чегарасида жойлашган шаҳар ибодатхонаси ҳисобланса ҳам, бироқ у Тошкент воҳасининг дашт билан тутшиб кетган шимолий чегарасида стратегик жиҳатдан аҳамият касб этган истехком, хунармандчилик маркази, кўчманчи чорвадор аҳоли билан ўтроқ деҳқонлар ўртасида олиб бориладиган ўзаро савдо бозори ва маънавий марказ вазифасини ўтаган. Доира ва хоч шаклидаги бино Тошкент аҳолиси қадимда Қуёшга топинувчи оташпараст бўлганидан гувоҳлик беради. Ҳар йили диндорлар унга отларни қурбонлик қилганлар.



ҚАНҒ ШАҲРИ – ЧОЧ ВОҲАСИНИНГ ПОЙТАХТИ


Тошкент шаҳри ва вилоятида ўтказилган кўп йиллик археологик ҳамда топонимик тадқиқот натижаларидан аён бўлишича милоддан аввалги III минг йиллик охири ва II минг йилликда содир бўлган тарихий жараёнлар қадимдан Марказий Осиёда яшаб келаётган аҳолини ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Аввало мазкур улкан минтақанинг айрим гўшаларида айри-айри ҳаёт кечираётган уруғ ва қабила жамоаларни яқинлаштириб уларни бириктирди. Ибтидоий деҳқончилик,

чорвачилик ва илк ҳунармандчилик каби эндигина юзага келиб мукаммаллашаётган ишлаб чиқарувчилик хўжаликларини оммалаштирди. Дарё водийларининг қўйи қисмида юзага келган тошқин сувлар – қоқ ва кўлмакларда деҳқончилик пайкаллари ястаниб, бепоён даштликлар чорва ўтлоқларига айлантирилди. Қадимги ғору унғурдаги масканлар ўрнига, мавсумий чорва қишловларию, ибтидоий зироаткорларнинг қапа, ярим ертўла ва чайлалари ўрнида доимий турар жой – қишлоқлару илк шаҳарчалар қад кўтарди. Бундай ҳаётий ўзгаришлар Марказий Осиё бўйлаб ёппасига ёки унинг айрим гўшасида бирданига намоён бўлмади, балки одам зотининг яшаб турган жойларининг табиати, яъни ҳаётий манбаларининг омиллари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда узоқ вақт давомида кечди. Бундай манзара деҳқончилик ерларининг кенгайиши ёки бошу туёқлари тобора ортиб бораётган чорва подалари учун янги ўтлоқ жойларга силжиш каби ҳодисаларда намоён бўлган эди.

Ўрта Осиёда ҳаётий жараёнлар кенгайиб авж олабошлаган замонда (мил. аввалги III минг йиллик охири – II минг йиллик) қадимги Сайхун ва Жайхун каби улкан ҳавзалари томон аввал жанубдан Бахтар, Суғд ва Хоразм орқали ўтроқ деҳқончилик аҳли соҳибкорларининг мазкур диёрга келиб ўрнашгани, сўнгра бирмунча кейинроқ мил. аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида эса шимолдан Фарбий Сибирь ва Олтой орқали ғарб ва жануби-ғарбга томон силжиган кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор уруф ва аймақларнинг шиддат билан ёпирилиб кириб



келиш кузатилади. Натижада Марказий Осиёнинг марказий қисмида жойлашган Ўрта Осиёлик бахтар, суғд, хоразмлик, массагет, сак ва парканалик ва бошқалар кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар билан қоришиб, мазкур минтақада вақт ўтиши билан



Бинкат шаҳрининг тарҳи. IX—XIII асрлар.
Тошкентнинг XIX аср тарҳи устида.

ўзига хос янги қурама этнос шаклланди. Турли тил лаҳжаларида сўзлашувчи нуфус ягона эътиқодий марказда топиниб, қишлоқ ва шаҳарларнинг аҳолисини адади ортиб боради ва гавжумлашади. Ихтисослашган айрим воҳа ва юртлар шаклланади. Мана шундай, қадимий ўлкалардан бири Тошкент яъни Чоч воҳаси, иккинчиси эса Элоқ яъни Оҳанггар (маъданчи) ларининг кичик юрти эди. Мазкур икки тарихий маскан деҳқончилик, яйлов чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг кончилик билан узвий боғланган маҳсус ихтисослашган соҳаларининг дунёга донғи кетган айни маркази эди. Мазкур икки маданий ўчоқлар ҳозирги Тошкент ва унинг воҳасида жойлашган эди.

Эътиборли томони шундаки, бундай маданий масканлар бир вақтнинг ўзида бирданига ёппасига қад кўтармаган. Аввал улар саҳнида «кат» деб юритилган яъни уй ёки хоналар қурилиб, сўнгра у қишлоққа айланган. Сўнгра унинг атрофида жойлашган қатор қишлоқларнинг иқтисодий ва маданий маркази сифатида у шаҳар номини олган. Йиллар ва давр ўтиши билан ҳаётий омилларнинг ўзгариши оқибатида марказ ҳам ҳаётий жиҳатдан қулайроқ томонга силжиб кенгайган. Шу боис унинг тарихий ўрни ҳам, ҳатто номи ҳам ўзгарган. Шундай бўлсада, муқим турғун қишлоқ ва шаҳарларнинг иқтисодий ва маданий асослари тобора кенгайиб, ривож топаётган шаҳарлар ва воҳалараро муносабатларни ҳаётий муқимлиги уч йўналишдаги йирик хўжаликлар: суғорма деҳқончилик, яйлов чорвачилиги ва тобора ихтисослашиб бораётган ҳунармандчилик



хўжаликларни бирлаштириб оммалаштирилган бошқарув тизими шаклланиб муқимлашган. Оқибатда қишлоқлар оқсоқол – катхуде, шаҳар ва воҳалар эса кучли қава яъни Жабғу ёки Ябғу каби атамалар билан улуғланган даҳолар бошчилигида бошқарилган. Мазкур жараёнда, шубҳасиз, қатор воҳа ва эл-юртлар олий даражадаги ҳукмдорлиги қўл остида бирлаштирилган қадимги давлатлар ташкил топган. Тошкент воҳасида ҳукм сурган энг қадимги давлат ёзма манбаларда Қанғ давлати номи билан қайд этилади.

Мазкур қадимги Тошкент давлати милоддан аввалги III аср бошларида Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган ерларда кўчманчи чорвадор Сак қабила-лари иттифоқи асосида ташкил топади. Тарихда бу подшолик «Қанғ», «Қанқа» ёки «Қанҳа» номлари билан юритилган. Қадимги Хитой манбаларида эса у «Кангюй» ва «Кандзюй» ва «Юни», рус адабиётида «Кангюй» шаклларида тилга олинди. Аҳолиси қанғар, қайғарлик ва қанғли ёки қанқали ва қани каби номлари билан юритилган. Улар асосан чорвачилик (йилқичилик, кўйчивонлик, қорамолчилиқ) билан шуғулланганлар. Моҳир суворий чавандоз бўлганлар. Қисман деҳқончилик – ғаллакорлик, шаҳар ва қишлоқларида эса айрим ҳунармандчилик ҳамда савдо ва сотиқ билан ҳам машғул бўлганлар.

Қанғ давлатининг дастлабки ҳудуди қадимги Чоч (Тошкент) воҳаси, Талос водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимида жойлашган. Қанғ ябғуларининг ёзги қароргоҳи Қорақўл (Иссиққўл)да Бешқоқ деган яйловда (ҳозирги Бешкек яқинида), қишки қарорго-



ҳи эса Оҳангарон водийсида Битан хитойча Битян деб аталган жойда бўлган. Милоддан аввалги 138 йилда Чочда бўлган Хитой элчиси Чжан Цяннинг ёзишича, қанғарларнинг ёзги ва қишки қароргоҳлари оралиғи туяда ёки отда етти кунлик йўл бўлган.

Қанғ юртлари Шарқда Даван (Фарғона), шимоли-шарқда усун (уйғур) ва юечжи (тохар) қабилаларининг ерлари, шимоли-ғарбда Сирису дарёси, ғарбда Яксарт (Сирдарё)нинг қуёи оқими ва Хваразм кўли (Орол)нинг шарқий қирғоқлари билан чегараланган. Қанғ аҳолиси 600 минг нафарли 120 минг уйли бўлган. Ёвгарчилик вақтларида 120 минг нафарли қўшинни сафга торта олган. Қанғарлар Хинд халқининг қадимги китоби «Махабхарата»да сак ва тохар қабилалари номлари қаторида тилга олинади.

Милоддан аввалги II—I ва милодий I—II асрларда Қанғ давлати ниҳоятда кенгайиб, қатор ўтроқ вилоятлар, Чоч, Кеш, Суғд, Бухоро ва Хваразм ҳокимларини бўйсундиради ва йирик давлат бирлашмаси (империя)га айланди. Мамлакат бир қанча эл, юрт ва ўтроқ деҳқончилик вилоятларига бўлинган. Давлатни хоқон бошқарган. Хоқонлик ворисий бўлиб, отадан ўғилга мерос тариқасида ўтган. Давлат бошқарувида қабила оқсоқоллари ва ҳарбий саркардалардан иборат Олий кенгаш муҳим ўринга эга бўлган. Эл ва юртлар эса, одатда хоқон уруғига мансуб қавм-қариндошларидан, йирик уруғ ёки қабила бошлиқларидан тайинланган «жабғу»лар томонидан бошқарилган. Қанғ давлатига тобе вилоятлар маҳаллий ҳокимлар қўлида бўлиб, улар



хоқонликка мутгасил бож тўлаб турган. Бундай тобе вилоятларга Хоразм, Суғд ва Ўрол тоғи этаклариди яшовчи Олон ва Ос қабилаларининг ерлари кирган. Тобе вилоятларнинг аксарияти қисми деярли мустақил бўлган. Ҳатто Кеш, Суғд, Чоч, Бухоро ва Хоразмнинг маҳаллий ҳокимлари ўз номларидан кумуш тангалар зарб этганлар.

Мамлакат ўтроқ вилоятлар ҳамда чорвадор эл-юртлар бирлашмасидан иборат экани туфайли Қанг давлатининг пойтахти икки жойда бўлган. Бири ўтроқ воҳада қишлоқ учун, иккинчиси эса давлат эл ва юрт мулклари катта қисмининг асоси ҳисобланган чорвачилик хўжалигини бевосита бошқариш учун кенг яйловда қарор топган. Қишқи қароргоҳ Қанг-диз шаҳрида бўлиб, у Йоша (Сирдарё) соҳилида жойлашган. Қадимги Хитой манбаларида мазкур шаҳар Битян номи билан қайд этилади. Унинг харобалари тепа шаклида ҳозирги кунгача сақланган. Ёдгорлик Қанқатепа номи билан машҳур. У Тошкентдан 70 км жанубда Сирдарёнинг кўҳна ирмоғи Оҳангарон дарёсининг қуриб қолган қадимий ўзани бўйида жойлашган. Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича мил. аввалги III асрдаёқ Қанг-диз атрофи мустаҳкам муҳофаа девори билан ўраб олинган аркли, уч шаҳристон ва рабоддан иборат беш қисмли каттагина шаҳар бўлган. Майдони 160 га.га тенг. Нуфузи жиҳатидан Қандиз Самарқанд, Нахшаб (Ерқўрғон), Бухоро, Қува ва Ахсикат каби тарихий шаҳарлар қаторида қарор топган.

Қангарлар мамлакатада чорвадорлар билан бир қаторда ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳоли ҳам яшаган.



Ўтроқ воҳалар жамоаси суғорма деҳқончилик, боғдорчилик хусусан узумчилик ва ҳунармандчилик билан ҳаёт кечирган. Ерга кетмон билан ишлов берилиб, арпа, сули, буғдой, тарик, нўхот, ясмиқ, шоли ва бошқа хил донли экинлар етиштирилган. Йиғиб олинган дон маҳсулотлари тўла (ертўла), хум ва махсус омборхоналарда сақланган.

Қанғ давлатига тобе ўтроқ вилоятларда ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари, мустаҳкам қалъалар ва қўрғонлар ва қатор оташпарастилик ибодатхоналари қад кўтарган. Шаҳарлардаги турар жойларнинг аксарияти хомғишлар ва пахсадан қурилган. Шаҳарларнинг ташқи мудофаа деворлари ва истехкомли қалъаси (арки), дарвозалари, бурж (мўла) ва тиркашлари (нишон туйнук) каби мудофаа иншоотларининг мустаҳкамлигига алоҳида аҳамият берилган. Улар шиддатли қамалларга бардош бера оладиган меъморчилик тарҳида (режасида) бино қилинган. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, хусусан кулолчилик, оҳангарлик ва аравасозлик айниқса тараққий топган. Темирни тоблаб, турли хил буюм ва асбоблар, қурол-яроғлар, хусусан пичоқ, ханжар, қўш тигли шамширлар, найза ва камон ўқи пайконлари, совут, от ёпқичлари (боғустувон)лар ясалган.

Қанғ давлати Хитой, Кушон, Парфия, Рим ва Кавказорги мамлакатлари қаторида улар билан савдосотиқ ва маданий алоқада бўлган. Унинг худудидан Буюк ипак йўли кесиб ўтганлиги туфайли ташқи савдо муносабатларда сарбонликни қўлда сақлаб туришга интилганлар.



Қанғарлар айниқса яқин кўшнилари Юечжи, Тохар, Хунну қабилалари ҳамда водийликлар билан бевосита алоқада бўлганлар. атто Буюк ипак йўлида ўз ҳукмронлигини кучайтиришга ҳаракат қилган Хитой ва унинг иттифоқдоши усунлар билан бир неча бор тўқнашадилар. Хитойнинг Даванга томон ҳарбий юришларига қарши чиқадилар. Манбаларда таърифланишича, дипломатик муносабатларда Қанғ давлати ўта қатъиятлик билан мустақил сиёсат юргизган. Ташқи давлатлардан ташриф буюрган элчиларни қабул қилишда ўз қудратини ва қатъиятлилигини намойиш этиш мақсадида Хитой вакилларига пастроқдан жой кўрсатган. Зиёфат вақтида эса, аввал хоқон ва унинг аёнлари олдида дастурхон ёзилиб, улар обдон овқатланиб олгач, сўнгра Хитой элчиларига таом тортилган. Бу ҳақида Хитой элчиси Чжан Цян императорга йўллаган мактубида: «Кангюй мағрур ва кўрс, у элчиларимиз олдида таъзим қилишни эп кўрмади... бизни кўпгина давлат элчиларидан, ҳатто усунлардан ҳам қуйига ўтказди» деган ҳайратомуз сўзларни ёзиб юборган.

Элшунос академик Карим Шониёзовнинг ёзишича, Қанғ давлатининг аҳолиси ягона тилда сўзлашувчи этнос бўлмаган. Унинг чорвадорлари, хусусан қанғар, усун ва хунлар туркий тилда, ўтроқ қишлоқ ва шаҳарларда эса қадимги суғд ва хоразмча сўзлашганлар. Мазкур кўш тилли нуфус асрлар оша ёнма-ён яшаб, муттасил иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлар. Вақту замонлар ўтиши билан маълум даражада қоришиб ҳам кетганлар. Мазкур давлат, айрим янги топилган ҳужжатларда қайд



этилишича, III асрнинг иккинчи ярмида суғдча «Чачанап» яъни «Чоч мамлакати ёки эли» маъносида ёзув билан ўз тангаларини зарб этган.

Чоч топоними илк бор Эрон шоҳи Шопур-I нинг 262 йилда ёзилган «Зардушт каъбаси» битикномасида тилга олинади. Унда Чоч тоғлари сосонийларнинг Шарқдаги мулкларининг сўнгги сарҳадлари деб қайд этилган.

Чачанап V асрда эфталлар томонидан эгалланган. VI аср ўрталарида эса ушбу мамлакат Турк хоқонлигининг зарбаларига дучор бўлган. Турк ябғу хоқони зарб этган тангаларда эса суғдча «Туркиш чачан хоқон ва мрай» яъни Турк хоқони ва мири маъносидаги ҳам турк ва суғдча маънодаги ёзувлар битилган.

Хуллас милл. авв. III асрда Сирдарё ҳавзасининг ўрта қисмида қадимги Чоч воҳасида ташкил топган туркий буюк Қанғ* давлати то милодий V асрнинг ўрталаригача етти юз йил, яъни 21 авлодлар замонида ҳукм сурган. Бироқ милодий III асрдан бошлаб тобо-



* Замонимизгача Тошкентнинг асосий транспорти Қўқон арава номи билан юритилиб келинган. Икки катта филдиракли мазкур тарихий арава «Хуқанғ» аслий талаффузи «Хушқанғ» = Хуш (яхши) + Қанғ (арава) яъни мустаҳкам катта яхши арава маъносида шуҳрат топган транспорт воситасидир. Мазкур атамага асосан Қани ёки Қанғар номлари билан аталган аҳоли эса, арава ясовчи, аравасоз, уста аравачи ва аравакаш маъноларини англатишига шубҳа қолмайди. Шулардан келиб чиқиб фикр юритилганда Тошкентнинг тарихий Ўқчи маҳалласининг номи Қўқон араванинг ўқи, гупчаги, баланд филдираклари, шотиси ва четанларини ҳам ясайдиган хунармандчилик маҳалла-куйи экани аён бўлади.


ра куч олган халқлараро миграцион жараёнлар оқи-
батада содир бўлган ўзаро тўқнашувлар ва шид-
датли жангу жадаллар натижасида заифлашиб, V
асрнинг иккинчи ярмида парчаланиб кетди. Унинг
худудида Хитой солномаларида Ши ва Чжеси (Чоч),
Кан (Маскат ва Самарқанд), Ми (Маймурғ), Хэ
(Каттақўрғон), Сусей (Кеш яъни Шаҳрисабз) ва Цао
(Усрушона) шаклларда талаффуз этилган чегарадош
воҳаларида ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий,
хусусан сулолавий жиҳатдан бири иккинчисига
ўхшаш қатор мустақил кичик воҳа давлатлари
ташкил топади. Қанғ давлати сўнгги ворислари бўл-
ган авлод эса қанғ (арава), қанғар (аравасоз) ва
гавчэ (баланд арава) маъноларини англатувчи номлар
остида маҳаллий давлатларнинг, хусусан эндигина
қад кўтараётган шаҳарларининг ижтимоий-маданий
ҳаёти, айниқса ободончилигида фаол қатнашади-
лар. Қанғ давлати ҳукмронлиги остида тараққий
топиб, йирик шаҳар сифатида қад кўтарган Чочкат
эса милоддан аввалги II ва I асрларда ҳар томонлама
гавжумлашиб, V асрга келиб Чоч воҳасини маркази
сифатида қарор топган.



МИНГ ЎРИҚДАГИ ҚАДИМГИ ТОШКЕНТ ПОЙТАХТИ

Эрамиз бошларида қадимги Тошкент воҳасида
шаҳар маданияти кенгайиб, Қорасув, Салор ва
Жўнариқ суғориш тармоқлари бўйлаб қатор шаҳар
тусидаги аҳоли яшайдиган мавзелар қад кўтаради. Бу


шубҳасиз Чирчиқ дарёсининг қадимги табиий сув тармоқлари ҳисобланган Қорасув ва Салор каби анҳорларнинг ҳар икки соҳиллари бўйлаб чиқарилган канал ва ариқлар ҳамда уларнинг сувлари билан суғорилиб обод этилган деҳқончилик майдонларининг кенгайиб бориши билан чамбарчас боғлиқ эди. Афтидан айтиш мумкинки шу даврларда Қорасув ва Салор анҳорларининг Чирчиқ дарёсидан ажралиб чиққан ерида бош тўғон қурилиб, улар қадимги Тошкент ва унинг атрофларининг доимий сунъий суғориш тармоғига айланган. Бу икки анҳорнинг йиллик сув таъминоти тартибга солинган. Ёзма



Мингүрик шаҳар харобасининг умумий тарҳи.

манбаларда тилга олиншича, бу тўғон «Банди подшоҳ» яъни «Подшоҳ тўғони» номи билан юритилиб, шаҳардан 3 фарсах (18—21 км) узоқликда Ўнқўрғон яқинида, Чирчиқ дарёсининг ўзани ичида бўлган.

Бу қадимги анҳорлар соҳилларида қад кўтарган шаҳар тусидаги обидалар Кўгайтепа (Нўғой қўрғон), Тавкаттепа, Бўзгонтепа, Мингўрик ва бошқа жойлардан топилиб текширилди. Афсуски Нўғой қўрғон каби Тошкентнинг қадимги тарихи билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар бизнинг давримизгача яхши сақланмаган. Бунинг устига уларнинг, айниқса Кўгай-



Мингўрик. Кўхандизи тарҳи тиклангани.

тепанинг остки қатламлари ҳар томонлама кенгроқ очиб ўрганилмаганлиги туфайли бу ёдгорликлар тўғрисида муфассалроқ маълумотлар келтириш ҳамда пойтахтимизнинг қадимги манзарасини тиклашда улардан иложи борича тўлиқроқ фойдаланиш имконига эга эмасмиз. Бу ёдгорликлар орасида энг йириги ва бирмунча яхшироқ ўрганилгани Мингўрик бўлиб, у Тошкент темир йўли Шимолий вокзали яқинида, Салор канали бўйида жойлашган. Мингўрикдаги шаҳар харобаси 1865 йилдан сўнг қад кўтарган, «Янги шаҳар» деб аталган қисмида бўлиб, 1871 йилда туширилган шаҳар тархига қараганда у 35 гектардан ошиқроқ майдонга эга бўлган.

XIX асрнинг 70—80-йиллари Тошкентнинг собиқ «Янги шаҳар»нинг қад кўтариши билан Мингўрик тепалиги аста-секин бузилиб, унинг тупроғидан қуйилган хомғишлардан «Янги шаҳар»нинг бинолари қад кўтарган. Ўша вақтларда Мингўрик тепалиги тупроғини 30 йил давомида аравалаб ташиган мўйсафидлардан бирининг ҳикоясига қараганда, «Янги шаҳар» иморатлари қурилишини пудратга олган Тошкент бойлари тупроғи учун Мингўрик тепасини Чор ҳукуматнинг Туркистондаги маъмуриятдан ижарага олиб, уни қурилишга ишлатганлар. Ўша даврларда тупроғи қазиб ташилаётган Мингўрик тепасидан чиққан ашъевий топилмалар: пишиқ ғишт, канализация қувурлари, шиша ва сопол идишлар, қадимги чақа ва тангалар тўғрисида маҳаллий матбуотда эндигина Тошкентга кўчиб келган ҳаваскор ўлкашунос, илғор рус зиёлиларининг хабарлари тез-тез босилиб турган.



Ўша пайтларда Мингўриқдаги тепалик тошкентликлар ўртасида «Афросиёб тепалиги» номи билан машҳур бўлган. Бу тепаликни шаҳарликлар Турон мамлакатнинг қадимги афсонавий шоҳи Афросиёб номи билан боғлаб ва бу тепалик ўрнида қадимда Афросиёбнинг «ошхонаси» бўлган эмиш, унинг тахтада ўтирадиган қароргоҳи эса Чигатой яқинида қадимги Жарариқ бўйида жойлашган иккинчи Афросиёб тепалигида бўлган эмиш, шунинг учун ҳам халқ бу иккинчи тепаликни «Шоҳнишин», яъни «Шоҳ ўтирган жой» деб атармиш, деган ҳикоя шаҳарликлар ўртасида кенг тарқалган эди. Аввало шуни айтиш керакки, «Афросиёб» тарихий шахс бўлмай, балки у Турон мамлакатининг афсонавий шоҳининг номи. Ўрта аср ёзма манбалари, Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» эпоси туфайли Афросиёб Шарқда, айниқса Ўрта Осиёда шуҳрат топган. У Эрон аҳмонийлари тажовузига қарши мутгасил кураш олиб борган жанговар қаҳрамон ҳукмдор, Туронда кўплаб шаҳар ва қишлоқлар барпо этган шоҳ сифатида тасвирланади. Балки, дарҳақиқат, бу афсонавий подшо исми қадимги Турон диёрида илк давлатлар барпо этиб дастлабки шаҳарлар бино қилган ҳукмдорлар силсиласининг умум рамзий номидир. Шу боисдан бўлса керак, кўпинча қадимги шаҳар харобаларини Афросиёб номи билан боғлаб талқин этиш халқ оғзаки адабиётида кенг ўрин олган. Чунончи, Самарқандда Сиёб анҳори соҳилидаги машҳур «Афросиёб» шаҳар харобаси ҳам, Тошкентда Салор ва Жарариқ бўйларида жойлашган ҳар икки «Афросиёб» тепаликлари ҳам афсоналарга




асосан сўнгги асрларда пайдо бўлган топонимлардир. Фикримизча, балки табиий шароити ва манзараси бир-бирига ўхшаб кетган бир нечта мавзеларининг номидир. Қадимдан халқимиз сизот сувлар ва булоқлардан ҳосил бўлган сой ва анҳорларни «сиёҳ об» ёки қисқартириб «сиёб», яъни «қорасув» деб юритиб келган. Бундай анҳорларнинг соҳиллари бўйлаб жойлашган мавзелар «Афросиёб» ёки «Сиёб соҳиллари», яъни «Қорасув бўйлари» демакдир. Шундай экан, Самарқанднинг Сиёб сойи соҳилидаги машҳур «Афросиёб» шаҳар харобаси ҳам, Тошкентнинг Салор ва Жарариқ бўйларида жойлашган ҳар иккала Афросиёб тепаликлари ҳам «Сиёб ёки Қорасув бўйи» даги жойлар деган маънони англатади. Афсуски, Тошкентнинг «янги шаҳари» қурила бошлаган вақтлардаёқ Мингүрик ёдгорликлари деярли бузилиб, унинг остки маданий қатламлари шаҳарнинг янги иморатлари ва кенг кўча-ю хиёбонлари остида қолиб кетган. Бу қадимги шаҳарлар харобасини археологик жиҳатдан ҳар томонлама кенгроқ ўрганиш имконияти эса аллақачон йўқолган эди. Ўз вақтида ҳозирги Мовароуннаҳр, Сайидбарака, Моштабиб ва Фарғона йўли (аввалги Пролетар, Павлов ва Куйбишев) кўчалари оралиғида каттагина майдонни эгаллаган Мингүриқдаги қадимги «Афросиёб» шаҳар харобаларидан бизнинг давримизгача фақат 180x80 метрли кичик бир қисмигина аввалги «Шарқ» мебель фабрикаси ҳовлисида тепача шаклида сақланиб қолган, холос. Тошкентнинг қадимги тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган археологик ёдгорликнинг ҳозирги кундаги сақланиш ҳолати бу ҳудудда



шаҳар маданиятининг шаклланиш тарихини чуқурроқ ўрганиш ва унинг тараққиёт босқичларини аниқроқ белгилаб чиқишга имкон бермас эди. Шу сабабли, бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида кейинги вақтларда археологларимиз кенг кўламдаги қазिश ишларини асосан археологик жиҳатдан бирмунча яхши сақланиб қолган Шоштепа шаҳар харобасида ҳам олиб бормоқдалар.

Шунга қарамай, Мингўрик ёдгорлигида олиб борилаётган археологик қазिश ишлари Тошкентнинг қадимги тарихига, айниқса, шаҳарнинг умумий тархи (планировкаси) ва унинг тараққиёт босқичлари:



Мингўрик. Кўхандиз қазिशмалари умумий кўриниши.

мудофаа иншоотлари ва турар жойларнинг тузилиши, шаҳар хунармандчилиги ва унинг ташқи ўлкалар билан олиб борган савдо-сотик муносабатларига доир жуда қизиқарли ашёвий далиллар берди.

Мингўрикнинг ўн тўққиз ерида археологик шурф (кесма) ташланиб икки еридан кенг кўламда қазишлар олиб борилди. Археологик қазишлардан маълум бўлишича, Салор анҳори бўйида милоднинг I—II асрларида даставвал атрофи девор билан ўралган, унчалик катта бўлмаган чорбурчакли кўрғон қад кўтарган. Кўрғон ичида ташқи девор бўйлаб йўлаксимон ҳамда равоқли, сохта дарчалар ишланган хоналар бўлган.

Шундай қилиб, археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Мингўрик шаҳар харобасининг остки қатламидан очилган обидалар милоднинг биринчи асрларига тааллуқли бўлиб, ундаги дастлабки бинолар ҳозирги кундан роса XIX—XX аср бурун қад кўтарган.

Афтидан, милоднинг III—IV асрларида Мингўрикдаги қадимги қаср-кўрғон бирмунча кенгайиб, унинг ташқи мудофаа девори таъмир этилган. Бу даврда лойига сомон қўшилган йирик хом ғишт ва пахсадан янги бинолар қурилган. Очилган хоналардан топилган, чала ёнган ёғочларга қараганда, хоналарнинг томи тўсин ва устунли бўлиб, саҳни (поли) сомонли лой билан сувалган. Мингўрикда, айниқса илк ўрта асрларга оид қаср биносининг бир қисми яхши сақланган. Бу ердан бир неча хона очилиб, хом-ғишт ва пахсадан бино қилинган деворлар баландлиги 6—7 метргача сақланиб қолган. Хоналарда



эни бир метр, баландлиги 0,5 метр ва усти сомонли лой билан сувалган супалар бўлиб, улардан бирининг супаси ва саҳни (поли)га 25 та хум қатор териб қўйилган. Хумларнинг бирида куйиб кўмирга айланган мош донлари сақланган. Ҳатто ковлаб очилган хоналардан бирининг деворларида оқ бўёқ билан ҳошия тортилиб, устига қизил ранг билан ислими нақш берилган деворий расмларнинг қолдиқлари қайд этилган. Бу деворий расмлар VI—VII асрларга мансуб бўлиб, яхши сақланмаганлиги сабабли, унинг манзарасини аниқлаб бўлмади.

Хуллас, Мингүрик тепасидан сақланиб қолган қисми унинг қадимги аркининг қолдиқлари бўлиб, майдони 0,5 гектарга тенг бўлган. Арк нишон туйнуқлар ўрнатилган ва равоқсимон қилиб ёпилган айланма галерея ва қўшқатор мудофаа девор билан ўралган. Девор ташқарисида унга ёндаштирилиб қурилган чорбурчакли бурж, бору ва мўлалар бўлиб, уларнинг ораси 12 метрга тенг эди.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича милонинг III—V асрларида Қанғ давлати бир-бири билан иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғланган бир нечта майда мустақил вилоятларга бўлиниб кетади. Шу вақтларда Тошкент воҳасида мустақил Чоч давлати ташкил топади. Мингүриқдаги қадимги шаҳар унинг марказига айланади. III асрга оид ёзма манбаларда кўрсатилишича, шаҳар теварагининг умумий ўлчами бу даврда 10 ли — 5 километрга етган. Мингүриқдаги шаҳарнинг мудофаа деворлари бу даврда шаҳар аслзодаларининг деворий расмлар билан нақшланган саройлари-ю савдогарларнинг ҳашаматли уйлари



ҳамда ҳунармандчилик маҳалла-қўйлари ва корхона-лари жойлашган Шаҳристонни тўрт томондан ўраб турган. Манбаларда шаҳар худди шу асрлардан бошлаб «Чоч» номи билан тилга олина бошлайди.

VII—VIII асрда Мингўриқдаги шаҳар ғоят кўркамлашади. Араб географлари томонидан Мадинат аш-Шош номи билан улуғланган мазкур маскан тарихий Чоч воҳасининг маркази — пойтахтига айланган эди. Қалин пахса ва йирик хомғишлардан қад кўтарган унинг қалъасига зинапоялар шаклидаги тўғри бурчакли мўлалар орқали чиқилган. Қалъа тепасида ҳатто Муқаддас оташкада — саждагоҳ ва унинг табаррук оловидан тўпланган 4,5–5 метрли қалинликдаги асрий «муборак» кул қатламлари сақланиб қолган.

III—VIII асрларда Чочда кумуш тангалар сўқиладиган зарбхона бўлган. Қадимги «Чоч» ҳукмдорлари олд томонига мулкдорнинг портрети орқасига думини гажак қилиб ҳужумга тайёрланиб турган силовсин ёки қоплон тасвири ёки сулолавий айри тамға туширилган танга пулларни зарб этган. Худди шу даврда зарб этилган Чочнинг баъзи бир маҳаллий ҳокимлари танга пуллари орасида ҳукмдор билан ёнма-ён турган малика портрети туширилган пуллар учрайди. Бу ҳол, шубҳасиз, Чочнинг илк ўрта аср ижтимоий ва иқтисодий, айниқса сиёсий ҳаётида ҳукмдор табақа аёлларининг юқори даражадаги анча-мунча нуфузга эга бўлганидан далолат беради.

V асрда Чоч вилояти ва унинг марказий шаҳри эфталлар давлатига, VI асрда эса, Фарбий турк хоқонлигига бўйсундирилади.



Археологик қазишлардан маълум бўлишича, шаҳар айниқса VII—VIII асрларда анча ривожланган. Унинг қудратли Турк хоқонлиги ҳайъатида бўлиши Чоч тоғларидаги рангли ва нодир маъдан конларининг яқинлиги, ҳунармандчилик маҳсулотлари учун қизгин бозор ҳисобланган кўчманчи чорвадор дашт минтақаларга ёндашгани, мамлакатлараро ташқи савдо алоқалари боғловчи катта карвон йўллари Чоч вилояти орқали ўтганлиги, бу шаҳарнинг гуллаб-яшнашига ва унинг Чоч давлатининг пойтахтига айланишига асос бўлди. Чочда зарб этилган бу давр чақа тангалардаги тамгаларнинг гувоҳлик беришича Чоч шаҳрининг ўзига хос рамзи — герби бўлган. У узун гажакдор думли холдор силовсин ёки тоғ барс шаклида тасвирланган. Шу боисдан бўлса керак ўрта асрларда бу диёрни бошқарган ўзбек ҳукмдорлари ўз валиаҳдларига «Элбарс» яъни Эл-юртнинг барси ёки «Белбарсхон» ҳамда Силовсинбек деб исмлар қўйиб, уларни шарафлаганлар.

Худди шу даврда Чирчиқ дарёсидан сув боғлаб олиш мақсадида катта магистрал каналлар қўйиб чиқарилган. Бўзсув, Калковуз ва Анҳор каналлари ўша вақтларда барпо этилган йирик сунъий суғориш тармоқларидан бўлиб, улардан оқиб келган обиравон туфайли шаҳар атрофидаги кенг адир ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонига айлантирилган. Шаҳар ва шаҳар атрофидаги деҳқончилик ерларнинг сув таъминотини кўриқлаб туриш мақсадида, бу вақтда Салор ва Қорасув каналлари Чирчиқ дарёсидан бош олган ерида Ўнкўрғон, сўнгра Бўзсув канали бошига Ниёзбек қалъаси қурилди. Бу қалъаларда доимо



қуролли посбонлар тўғон бошини ташқи душмандан қўриқлаб, иншоотни дарё тошқинлари ювиб кетишидан бохабар бўлиб турган.

Ўша вақтларда сақланиб қолган археологик ёдгорликларга қараганда, ҳозирги Тошкент шаҳри ва унинг атроф ҳудудлари бутунлай ўзлаштирилиб, унда 20 дан ортиқ катта-кичик истехком, йирик ер эгалари мулкдорнинг қўрғонлари ва қўшқлари ҳамда обод қишлоқлар қад кўтарган. Шаҳримиз ҳудудида ҳозиргача сақланиб келаётган Оқтепалар ўша даврдаги қароргоҳ, қаср ва қўшқ-қўрғонларнинг вайроналаридир.

Шаҳарда ҳунармандчилик ривож топиб, Чочнинг моҳир усталари металлдан қурол-яроғ, уй-рўзғор буюмлари, олтин ва кумушлардан турли хилдаги зеби-зийнатлар ишлаб чиқарганлар. Тери ошлаб, чарм пишириб, пахта ва жундан матолар тўқиб, сопол ва шиша буюмлар ясаб, улар ички ва ташқи бозорни ҳунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлаб турганлар. Бу даврда Чоч савдогарлари Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаган, қадимги «Улуғ ипак йўли» орқали олиб борилган жаҳон савдосида фаол иштирок этган. Чочдан олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, ғалла, қуруқ мева, ҳатто мевали дарахт кўчатлари, йилқилар ва кумуш дирҳамлар чет мамлакатларга чиқарилган.

Шаҳарликларнинг бир қисми савдогарчилик билан машғул бўлган. Шарқий Туркистон ўлкасида ўша вақтларда ташкил топган савдо фактория (колония) — қасабаларида нуфузи жиҳатидан Чоч савдогарлари Самарқанд ва Бухоро савдогарларидан



кейин учинчи ўринда турган. Чоч шаҳрининг ўзи улкан савдо муносабатларининг гавжум маркази ҳисобланган. Тошкент воҳасидан топилган қадимий чет эл буюмлари, айниқса яқин ва узоқ мамлакатларда сўқилган жуда кўп турли-туман, чақа ва тангалар шундан далолат беради. Чоч пойтахтида бу даврда айниқса маданият гуллаб яшнаган. Археологик қазилмалардан маълум бўлишича, бу ерда ўзига хос шаҳар қурилиши ва меъморчилиги ташкил топган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича турли йўналишлар бўйича санъат мактаблари шаклланган. Чочда монументал деворий рассомчилик ҳам санъат ва маданиятнинг бошқа соҳалари сингари ривожланиш йўлига тушиб олган. Унда ҳаётни ҳаққоний акс эттириш, воқеликни образли ифодалаш ва даврнинг типик ҳодисаларини бўрттириб кўрсатиш анъанага айланиб борган. Чоч шаҳарларида бу даврда айниқса мусиқа ва рақс санъати анча ривож топган.

Чоч рақслари ўзига хос услуб ва ритмга эга бўлган. Бу ерлик хонанда, созанда ва раққосларнинг додруғи Чочдан ташқари бошқа юртларга ҳам тарқалган. Манбаларда қайд қилинишича, ўша вақтларда Хитойнинг Тан империяси саройида концерт берган Чоч рақс ансамблида қатнашган чочлик йигит-қизларнинг ўйноқи рақси ва ажойиб ритмлик мусиқасини Хитой шоирлари завқ ва шавқ билан мадҳ қилганлар.

Бу даврда Чоч ўлкаси Турк хоқонлигига тобе бўлишига қарамай, ўзининг тили, ёзуви ва маданиятини сақлаган эди. Бу ерда суғд тилининг шеваси



расмий тил сифатида юритилиб, давлат ишларига оид ҳужжат, чақа ва тангалар зарб этишда ҳукмдорлар номидан битиладиган ёзувлар суғд ёзувларида ифодаланган.

Бу даврда Чочнинг сиёсий мавқеи анчагина кучли бўлиб, ҳатто Қутайба бошлиқ Араб халифалигининг Ўрта Осиёда олиб бораётган босқинларига қарши иттифоқ тузиш мақсадида Панжикат (Юқори Зарафшон) ҳокими Деваштич 712 йилда Чочга ўз элчисини юборади. Деваштичнинг элчиси Чоч ҳокимини унинг Сирдарёнинг ўрта оқимига жойлашган «Қанғу Тарбанд» (ҳозирги Ўтрор)даги ёзги қароргоҳида учратган.

Мазкур маълумотдан аён бўлишича ўрта асрларда Чоч воҳасининг пойтахти Чоч шаҳрида қарор топгач қанғарларнинг ёзги қароргоҳи марказдан шимолроқда икки кунлик қарвон йўли устида Арис сувининг Сайхун (Сирдарё)га қуйилган жойда муқимлашган. Манбаларда бу маскан «Қанғу Тирбанд» яъни «Аравасозларнинг дарё бўйидаги қўноғи» маъносини ифодалаган.


Афсуски, Чоч вилоятида ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа воҳалари қаторида, ҳамма вақт осойишталик бўлмаган. Ташқи ҳужумлар, босқинчиларнинг юришлари Чоч аҳолисини доимо безовта қилиб турган. Шарқ солномачиларининг таърифлашича, Чочнинг эркесвар ва жанговар аҳолиси бундай тўқнашувларни олдини олиш мақсадида илк ўрта асрлардаёқ бутун Чоч вилоятини дашт тарафдан мустаҳкам улкан девор (бир неча юз километр чўзилган) билан ўраб олган. Бу деворнинг қолдиқлари айрим жойларда бизнинг давримизгача сақланиб қолган. У халқ орасида



«Кампир девор» яъни «Гирди хандақли девор» номи билан машҳурдир.

VIII аср бошларида Чоч вилояти ва унинг пойтахти Араб халифалиги қўшинлари томонидан босиб олиниши ва унинг оқибатида бошланган талон-тарожлик даврида Чоч ўлкаси ва унинг теварак-атрофида яшнаб турган шаҳар ва қишлоқлар ўт ичида қолади. Бу воқеалардан кейин Мингўриқдаги вайрон бўлган қадимги Чоч шаҳри неча ўн йиллар давомида бўшаб, ўзини ўнглаб ололмайди. Бу ерда шаҳар кейинчалик ҳам тикланмайди.


ОҚТЕПА — ИЛК ЎРТА АСР ҚАСРИ



Тошкент шаҳри ҳудудларида ҳозирги кунгача бир нечта нодир археологик ёдгорликлар сақланиб қолган. Уларнинг аксарияти шаҳарнинг паст-баланд иморатлари, хиёбону боғ-роғларининг ранго-ранг манзарасида узоқдан оқишроқ тусли гумбазга ўхшаб кўзга ташланиши туфайли бўлса керак, маҳаллий аҳоли ўртасида улар умумий ном билан — «Оқтепа», деб юритилиб келинган. Масалан, Чилонзор Оқтепаси, Сағбон, Кўкча, Чиғатой, Юнусобод Оқтепаси ва бошқа бир нечта Оқтепалар шулар жумласидандир.

Оқтепанинг луғавий маъноси «кичик тепа» демакдир. Оқтепалар — қалъа, қўрғон ва работларнинг аксарияти марказий шаҳарнинг тевараги ва Чоч воҳасининг шимолий сарҳадлари бўйлаб қад кўтарган. Улар, шубҳасиз, пойтахт ва Чоч воҳасини ташқи bosқинлардан мудофаа этган. Ҳатто мазкур тарихий воҳанинг шимолий ҳудудлари Чочнинг Сойлик мав-

зесидан Чоч дарёси (Парак) Сирдарёга қуйили-
шигача (Банокат яқини) улкан ихота иншооти —
Кампир, аслида «Кандипир» яъни «Вилоят девори»
билан тўсиб олинган. Ушбу умумбашарий куч билан
барпо этилган улкан мудофаа иншоотининг айрим
дўнгликлардан иборат излари ҳозирги кунда ҳам кўзга
ташланиб туради.



Юнусобод Оқтепасининг умумий тарҳи
ва археологик қазилмалар ўрни.

Оқтепалар орасида археологик жиҳатдан бирмунча яхши сақланган ва ҳажми жиҳатидан энг улкани ҳозирги «Юнусобод — Шимолий мавзе»да жойлашган Оқтепадир. У оддий тупроқ уюмидан ҳосил бўлган табиий баландликдан иборат бўлмай, балки ҳозирги кундан қарийб XVI аср муқаддам илк ўрта асрларда бино қилинган улкан истехкомнинг тепага айланган харобасидир. Унинг остида илк ўрта асрлар қасри ва кўрғонининг ҳамда уларга тутшиб кетган хунармандчилик маҳаллаларининг вайроналари кўмилиб қолган. Оқтепа пирамидага ўхшаб тиккайиб турган баланд тепа, унга ёндашган пастроқ тепа ҳамда уларга тутшиб кетган бир нечта ясси тепаликлардан иборат бўлиб, унинг энг баланд қисми 21 м. га, майдони, атрофидаги ясси тепаликларни ҳам қўшиб ҳисобланганда қарийб 100 гектарга тенг.

Юнусобод Оқтепасининг археологик жиҳатдан дастлаб 40-йилларда археолог А.И. Тереножкин томонидан ўрганила бошланди. 1972 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институтининг Тошкент экспедицияси томонидан М.И. Филанович раҳбарлигида муттасил кенг кўламда қазилар ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда амалга оширилган археологик қазилардан «Оқтепа»нинг қандай ёдгорлик экани, унинг тузилиши, пайдо бўлган ва харобага айланган даврлари ҳамда вайронагарчилик сабаблари аниқланди.

Қазиб очилган бино қолдиқлари шундан далолат берадики, унинг марказий қисмида ўрта асрларнинг мустаҳкам истехкомли қасри жойлашган бўлиб, у икки қисм: қўшқаватли қаср ва атрофи қалин ва



баланд девор билан ўралган улкан қўрғондан иборат бўлган. Қаср ва қўрғонларнинг ташқарисидан кенг ва чуқур хандақ² қазилган бўлиб, ўз вақтида унинг устидан ўрнатилган осма кўприк ва қўрғонга олиб чиқадиган пандос — кўтарма йўл орқали қаср ичкарасига кирилган. Қаср табиий дўнглик устига уриб чиқилган пахса тагкурси (пойдевор) устига қурилган. У узун ва кенг зинапоёга ўхшатиб қурилган икки қаватли бинодан иборат бўлиб, унинг биринчи қаватини майдони 80×80 м ва юқори қаватининг майдони 50×50 м. га тенг. Қасрнинг ҳар иккала қаватининг ичкари томони узун йўлак — галерея бино қилинган ва ташқариси баланд девор билан ўралган. Ташқи девор ва томи равоқсимон қилиб ёпилган йўлаклар галереяси халқ тилида «девғишт» деб аталган пахса блоклари (70×70×70 см) ҳамда 48×24×10 см ҳажмдаги узун хомғишлардан ишлаб чиқилган. Ҳар икки қават бино ташқи деворининг тўрт бурчагида доира шаклидаги тўрттадан саккизта буржи-мўласи бўлган. Паст-баланд жойлашган галереялар ҳалқасининг кенглиги 1,8—2 м, баландлиги 2,3 м. га тенг бўлиб, томи равоқсимон қилиб ёпилган. Ҳар иккала ҳалқа ҳам мудофаа мақсадида бўлса керак, бир неча еридан говдевор билан тўсилиб, биридан иккинчисига тор эшик орқали ўтадиган бўлинмаларга ажратилган.



² *Хандақ* — қаср ва қўрғоннинг ташқи деворини бино қилишда ўйиб олинган тупроқнинг узун айланма чуқурлик. У шаҳарнинг мудофаа сув тўлғизилган иншооти.



Оқтепа қазишмаларнинг умумий кўриниши.




Юқори қаватда олиб борилган археологик қазишмалардан маълум бўлишича, галереялар ҳалқаси бўйлаб қатор йўлкасимон казематлар (ҳажми 5×2 м) тўрт бурчагида мўлахоналарига кирадиган ҳамда ташқарига чиқадиган тоқли эшиклар жойлашган. Эшикларнинг равоқлари хомғишлардан ишлаб чиқилган. Мўлахоналар квадрат ва доира шаклида бўлиб, диаметри 3,5 м томи гумбаз шаклда ёпилган. Хоналарга кирадиган эшик ўринларини ҳисобга олмаганда, улар ичида доимий турар жой эканини исботловчи белгилардан на эшик, на дарча, на супа ва на ўчоқ қайд этилмаганлиги, бу хоналарнинг кўпроқ мудофаа вазифасини ўтаганидан гувоҳлик беради. Равоқсимон йўлақлар галереяси дарчасиз тим қоронғи казиматлар, доира шаклдаги буржхоналар, эшик равоқлари, хона гумбазлари ва бошқалар бизнинг давримизгача жуда яхши сақланган. Чунки қаср қайта қурилган вақтларда хона ва


йўлакларнинг асосий қисми тупроқ билан тўлдирилган. Равоқ ва гумбазлари ўпирилиб тушганлари эса шиббаланиб, кўҳна қасрнинг усти яхлит тагкурсига айлантирилган ва унинг жануби-ғарбий қисмида майдони 22×22 м.ли кўшк бино қилинган.

Сақланиб қолган иморат қолдиқларига қараганда кўшк ҳам икки қаватли бўлиб унинг пастки қаватида равоқли хоналар, юқорида эса қаср мулкдорининг турар жой ва меҳмонхоналари жойлашган. Кўшкдан шимолроқда 10 тача хоналар очилиб, улар ибодатхона мажмуасини ташкил этган. Улардан бири ниҳоятда қалин (2,5—2,7 м) деворли деярлик квадрат шаклдаги (8,2×7,7 м) хилхона бўлиб, унинг уч девори бўйлаб хомғишлардан супа ишланган. Хилхонадан шимолроқда муқаддас олов муттасил ёниб тура-диган зардуштийлик ибодатхонаси ва томи ясси бир қанча бошқа хоналар жойлашган. Кўшкнинг шарқий қисмида 9 та узун болохонали уйлар ковлаб очилиб, айримларининг ичида девор бўйлаб энсиз узун супалар, орқа деворида ёруғлик дарчалари ҳамда қачонлардир ўрнатилган тўсинлардан қолган қатор туйнукчалар сақланган. Хоналар пахса блоклардан бино қилиниб, баландлиги 3—3,5 м. гача сақланган. Хоналарнинг биринчи қавати тўсинлар ташланиб, шох-шабба ва қамиш тўшалган ва устига лўмбоз босиб ёпилган. Хона ичидаги энсиз узун супа ҳамда хумлар, уларни ўрнатиш учун юза ўйилган махсус чуқурчалар ва бошқа хил археологик топилмаларга қараганда тузилиши бир хил бу йўлаксимон узун хоналар асосан омборхоналар бўлиб, улар устига қурилган болохоналар эса хизматкор ва қароллар





Оқтепа кўши
қазимасининг
умумий тарҳи.



Юнусобод Оқтепасининг умумий чизмаси.

учун бошпана вазифасини ўтаган. Археологларнинг фикрича, бу хоналарда ҳарбий қамал вақтида ишлатиш учун мўлжалланган галла захираси сақланган. Оқтепанинг қасрга ёндашган кўрғон қисмида ҳам қазилар ишлари олиб борилди. Кўрғон атрофи қалин қалъа девор билан ўралган бўлиб, унинг марказий қисмида ҳовли ва девор бўйлаб, чокарлар учун қурилган турар жойлар бўлган. Бу ерда кўрғоннинг ғарбий девори бўйлаб, унга олиб кирадиган кўтарма йўлнинг бир қисми ва дарвозахона олди иншоотларининг вайроналари қовлаб очилди. Кўрғон дар-




Юнусобод Оқтепаси. Мусалласхона. Узумдан шарбат эзиб чиқариш хонаси.

возаси ғарб томонда бўлиб, унинг эни 1,3 м, яъни фақат якка отлиқ ўта оладиган кенгликда қурилган. Дарвозахона ғуломгардиш услубида бино қилинган. Дарвозахона кираверишида мўъжазгина (ҳажми 4,4—3 м) квадрат хона бўлиб, ундан қаср томонга қалъа девори бўйлаб тирсак шаклидаги йўлак бошланган.

Шундай қилиб, Юнусобод Оқтепасида қазиб очилган обидалар: тўртбурчакли қўшқават қаср, унинг устига кейинчалик қурилган кўшк, йўлаксимон галерея, болохонали уйлар, тоқ ва гумбазли хоналар, равоқли эшиклар, чор атрофи супали хилхона ва ибодатхоналар оддий турар жой харобаси бўлмасдан, балки илк ўрта аср меъморчилиги ва ҳарбий истеҳком қуриш санъатининг нодир намунаси эди. Бу ердаги пахса ва хомғишлардан бунёд этилган ажойиб меъморий услубли биноларда ўз даврининг илғор қурилиш меъморчилиги ва инженерлик ғоялари мужассамлашган. У ўша даврнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тақозоси билан қурилган мустаҳкам истеҳкомли илк ўрта асрлар қасри ва қўрғони бўлган. Асосан у ташқи душман ҳужумига қарши қурилган иншоот, чокарлар, ҳарбий гарнизон тўпланадиган жой, маъмурий марказ, ҳамда озиқ-овқат ва қурол-яроғ сақланадиган омбор вазифасини ўтаган.

Хўш, бу ажойиб қўрғонли қаср қачон қурилган ва қайси даврда ҳамда нима сабабдан вайронага айланган? Шубҳасиз, бу саволларга қазииш вақтида Оқтепадан чиққан топилмаларни синчиклаб ўрганиш асосида жавоб олиш мумкин.





Юнусобод Оқтепасидаги қазишмалар.

Қазиш жараёнида кўплаб керамика ва сопол идиш бўлақларидан ташқари, тош, суяк ва металлдан ясалган буюмлар, қурол-яроғ, зеб-зийнат, шу жумладан, темирдан ясалган пичоқ, ханжар, болта, ўроқ, уч парракли ёй ўқи ва найза пайконлари, тош ёрғучоқлар, кўзи тоғ хрусталидан ясалган кумуш узук ва ҳоказолар топилди. Топилмалар орасида нуроний мўйсафиднинг сурати туширилган Терракота бўлгани айниқса диққатга сазовор. Унда ўша замонларда Чоч ёки Шош (Тошкент)да яшаган қадимги аҳолининг этник қиёфаси мужассамлашган.

Археологик топилмаларнинг энг кўҳнаси ибодатхона саҳни остидан чиққан олтита тангадир. Бу тангалар Чоч маҳаллий ҳукмдорининг сосонийлар шоҳи Перознинг (459—484 й.) кумуш дирҳамларига тақлидан зарб эттирган пули эди. М.Е. Массоннинг




фикрича, бундай тангалар V аср ўрталарида эфталларнинг сосонийлар Эронига берган зарбасидан кейин, Эфталлар давлати³ хуудларида кенг тарқалган. Бинобарин бу танга пуллар V аср охири ва VI аср бошларига тааллуқлидир.

Оқтепанинг юқори қисмида ковлаб очилган ва «омборхона» деб ҳисобланаётган йўлаксимон уйлардан бирининг қулаган гумбази ва деворининг оралиғидан бўз латтага тугилган ўн учта танга топилди. Шундан ўн иккитаси Араб халифалигининг Умавийлар хонадонига мансуб ҳукмдорларнинг кумуш дирҳамлари ва бир донаси юзасида суғд ёзувли мис танга эди. Кумуш тангалар халифаликнинг Дамашқ, Восит, Ардашер, Нишопур шаҳарларида 705—732 йилларда зарб этилган. Булардан ташқари, ёдгорликнинг юқори қатламидан Аббосийлар халифалигининг VIII аср ўрталарида (754 йил) зарб этилган мис фулуслари ҳамда олд томонидан думини гажак қилиб кетаётган барс ва орқасига Чочнинг айри тамғаси ва суғдча «Ябғу Тарнавч» деб ёзилган Тошкентнинг маҳаллий ҳокимларининг тангалари топилди. Ана шу ашёвий далиллар Оқтепада кавлаб очилган қадимги қасрни қачон қурилгани ва вайронага айланган даврини аниқлаб берди. Оқтепада топилган тангаларга қараганда, бу археологик ёдгорликлар V асрда пайдо бўлиб, VIII аср ўрталарида вайронага айланган. Юнусобод Оқтепасининг устки қатлами



³ Эфталлар давлати V асрнинг иккинчи ярми VI аср бошларида Ўрта Осиёда кўчманчи чорвадорлар асос солган ҳокимият бўлиб, унинг жанубий чегараси Шимолий Ҳиндистонгача бориб туташган.

бизнинг давримизгача деярли тўла сақланган иморатлар, унинг пойдевори остида ичи тупроқ билан тўлдирилган хоналар, шаҳар девори ва дарвозахоналаридаги таъмирлар бу қадимги қаср ўз бошидан икки марта қурилиш даврини кечирганини кўрсатади. Дастлаб, атрофи қалин девор билан ўралган қўрғон ва икки қаватли қаср қурилиб, сўнгра қаср кўшкка айлантирилган. Кўшк бинолардаги кучлик ёнғин асоратлари, айниқса, шипларга ўт кетиб босиб қолган хоналардаги археологик топилмалар, хусусан танга пуллар унинг VIII аср ўрталарида Араб халифалигининг Ўрта Осиёга қилган ҳужуми ва уларнинг босқинчилигига қарши маҳаллий аҳолининг кўтарган кўзғолонлари кучайган даврда кучлик ёнғиндан харобага айланганлигидан далолат беради. Бу шубҳасиз, Араб халифалигининг Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, Шош вилояти аҳолисининг озодлик ҳаракатларига қарши олиб борган шафқатсиз босқинчилик юришларнинг муайян оқибати бўлиб, ҳозирги Тошкент шаҳри худуди бўйлаб тек-



Оқтепа. Қўрғон деворининг сопол кунгуралари.

ширилаётган ўша давр ёдгорликларидан Мингўрик, Нўғайқўрғон, Хонободтепа ва бошқаларда ҳам худди шунга ўхшаган манзара археологларимиз томонидан қайд этилган.

Хуллас, Тошкент ҳудудидаги Оқтепалар илк ўрта асрларда шаҳар, атрофида қад кўтарган мудофаа қасрларнинг харобалари бўлиб, нодир археологик ёдгорлик ҳисобланади. Улар илк ўрта асрнинг майда маҳаллий ҳокимиятчилик, ўзаро ҳарбий юришлар, меҳнаткаш аҳолининг ички ва ташқи зулмкорларга қарши кўтарган қўзғолонлари шароитида бунёд бўлган ерли мулкдорларнинг мустаҳкам истеҳкомли қароргоҳ қасри намунаси сифатида ўша даврларда Тошкент шаҳри ва унинг атрофида яшаган аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ҳамда кечмиш тарихий воқеаларнинг кўпгина саҳифаларини тўлдириш имконини беради.

Бу ёдгорлик тарихий ва маданий жиҳатдан катта аҳамият касб этгани учун ҳозирги вақтда у фақат тарихчи ва археологларнигина эмас, балки химик ҳамда санъатшунос меъморлар диққатини ўзига тортмоқда. Шу боисдан ҳозирги кунда Оқтепада ковлаб очилган илк ўрта аср меъморчилик обидаларини келажак авлод учун сақлаб қолиш, уларни консервация қилиб, илк ўрта аср шаҳар қурилиш санъати ва маданияти намунасини кўрсатиш мақсадида уни очиқ дала музейига айлантириш устида археологлар билан бир қатор химиклар ва архитекторлар ҳамкорликда ишламоқда. Хомғишт ва пахсадан бино қилинган қадимги меъморий обидаларини консервация қилиш ва уларни сақлаш ҳозирги вақтда




жаҳоншумул масалага айланган. Чунки Қадимги Шарқ маданиятининг асосларидан ҳисобланган меъморчилик обидаларининг салмоқли қисми пахса ва хомғиштлардан қурилган бўлиб, уларни келажак авлод учун сақлаб қолиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан Италия, Белгия, Эрон ва Англияда махсус лаборатория ташкил этилган. Уларда намлик ва иссиқлик ҳаво шароитида бундай обидаларнинг чидамлилиги оширилиб, умрини чўзиш имконини берувчи химиявий моддалар ишлаб чиқилмоқда.

Бу масала устида тарих фанлари доктори А. Абдураззоқов бошчилигида бир гуруҳ олимлар ҳам, бир неча ўн йиллар давомида илмий текширишлар олиб борди. Эндиликда химиявий мономерлар ёрдамида пахса ва хомғиштлардан қурилган археологик ёдгорликларни қотириб, уларни консервация этишнинг бир неча усуллари яратилган. Улар милoddan аввалги II минг йилликка мансуб Сополлитепада ковлаб очилган турар жой деворларини, Афросиёбнинг қадимги девори ҳамда Оқтепада очилган қаср деворларини қотиришда синаб кўрилди. Бундай тадқиқотлар давом этмоқда. Ўйлаймизки, химиявий услублар ёрдамида хомғишт ва пахсадан бино қилинган нодир археологик обидалар консервация этилиб, улар очиқ дала музейларига айлантириладиган вақт узоқ эмас.




БИНКАТ — ЎРТА АСРЛАРДАГИ ТОШКЕНТ



VIII асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда Араб халифалигининг олиб борган тўхтовсиз ҳарбий юришлари ва уларга қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари даврида Мовароуннаҳрнинг бошқа кўпгина ўлкалари сингари Шош вилояти ҳам инқирозга юз тутди. Қадимдан ҳунармандчилик, савдо-сотиқ маркази бўлиб келган шаҳарларнинг кўпи вайрон этилиб, қолганлари ҳам анча-мунча бўшаб қолди. Конларда иш тўхтаб, суғориш тармоқларининг аксарияти сувсизликдан қуриб қолди. Шошнинг савдо-сотиғи, ер-сувлари ва чорвасидан ундириб олинадиган божхирож ва закот солиқларидан хазинага тушадиган даромад ҳажми ниҳоятда қисқарди. Ўлка кумуш конларидан хазинага тушадиган нақд нуқралар ва улардан сўқиладиган кумуш тангалар барҳам топиб, мамлакат иқтисодига катта путур етди.

Шундай бўлса-да, Шошнинг иқтисодий-сиёсий мавқеи, айниқса кумуш конлари шуҳрати кўп вақт ўтмай унинг жонланиб, ўзининг аввалги равнақини тиклаб олишга имкон берди. Шошнинг бу равнақи бир асрдан ошиқроқ давом этган халифаликнинг бевосита ҳукмронлиги тугаб, Ўрта Осиёни маҳаллий сулола — сомонийлар идора қила бошлаган даврига тўғри келади. Шошда сомонийлар хонадонидан бўлган Яҳё бинни Асад ва ундан кейин унинг авлодлари ҳукмронлик қилдилар. Бу даврда даставвал Шошнинг лойқа босиб, сувсизликдан қуриб қолган суғориш тармоқлари тикланди.

Ўрта аср тарихчиси Табарийнинг хабар беришича, бу ишни амалга ошириш учун халифа Муътасим (833—842 йилларда ҳокимлик қилган) хазинадан икки миллион дирҳам маблағ ажратди. Натижада вайроқ бўлган Шош шаҳарларининг бир қисми қайта тикланди. Вилоятнинг марказий шаҳри ҳисобланган қадимги Шош (Тошкент) ҳам бу даврда Салор суви соҳилидаги ўзининг қадимги ўрнидан 8 километр шимоли-ғарбга томон силжиб, Бўзсув ва ундан бош



Қовунчи маданиятига мансуб қўш-
қулоқли хуқача. I—II асрлар.

олган Калковуз, Жарариқ ва Кўкча каналлари билан V—VI асрлардаёқ сугорилиб обод этилган майдонда янгитдан қад кўтарди. Бу янги жойда қайта барпо этилган Шош вилоятининг бош шаҳри ўрта аср араб географлари асарларида «Бинкат» номи билан тилга олинади. Маҳмуд Кошғарий уни «Таркан» деган номини ҳам келтиради.

Шош шаҳарларининг номлари ва улар оралиғидаги масофалар ҳақида ёзма манбаларда келтирилган маълумотларни синчиклаб ўрганган улуғ шарқшунос олим В.В. Бартольд Шошнинг IX—XII асрлардаги пойтахти — Бинкат ҳозирги Тошкентнинг ўрнида бўлган деган фикрни биринчи бўлиб айтган эди. Тошкент шаҳрининг тарихий топографиясини ўрганган М.Е. Массон эса, Бинкат Тошкентнинг айнан ҳозирги «Эски шаҳар» деб аталган қисмига тўғри келади, деб ҳисоблайди. Пойтахтимизнинг ушбу қисмида кейинги йилларда қад кўтараётган улкан қурилишлар муносабати билан кенг кўламда олиб берилган археологик кузатишлар ва қазиш ишлари М.Е. Массон фикрини тўла тасдиқламоқда.

Ёзма манбалардан келтирилган маълумотлар ва археологик тадқиқотлардан аниқ бўлишича, Бинкат шаҳрининг ўрни Тошкентнинг тўрт даҳаси (тумани)дан, асосан учтаси: Себзор, Кўкча, Бешёғоч ҳудудларида жойлашган бўлиб, у алоҳида-алоҳида қалин деворлар билан ўраб олинган тўрт қисм: арк (ўрда), шаҳристон — шаҳарнинг асосий қисми ҳамда ички ва ташқи рабод (микрорайон)лардан иборат бўлган. Ёзма манбаларда ички рабод — рабод алдоҳил, ташқи рабод эса рабод ал-хориж номлари



билан тилга олинади. Шаҳарнинг бўйи ҳам, эни ҳам бир фарсах (6—7 километр) узунликка тенг бўлган.

Шаҳарнинг маркази ҳисобланган арк ва шаҳристон қисмлари ҳозирги Тошкентнинг Зарқайнар ва Навоий кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу бозор ҳамда Эски Жува майдонида жойлашган бўлиб, арkning умумий саҳни 1 гектар. Шаҳристоннинг майдони эса 15 гектарга тенг бўлган. Бу ҳудуд шаҳарнинг ҳозирги микрорельефида дўнглик бўлиб кўзга ташланади. Бу дўнглик шубҳасиз ўз даврида гуллаб-яшнаган Бинкат шаҳрининг вайроналаридан ҳосил бўлган маданий қатламларини ўз бағрида ҳозирги кунгача сақлаб келмоқда. Бу ердан топилган ва топилаётган моддий-маданият излари ва археологик топилмалар IX—XII асрлардаги Бинкат шаҳрининг қиёфаси, ҳунармандчилиги, маданияти ва унинг атроф вилоятлар билан олиб борган савдосотиқ муносабатларини ўрганишда тадқиқотчилар қўлига нодир ва ниҳоятда қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

X аср ёзма манбаларида келтирилган маълумотларга қараганда, Бинкат аркининг икки дарвозаси бўлиб, улардан бири орқали шаҳристонга ва иккинчиси орқали рабодга чиқилган. Шаҳристоннинг Абул Аббос, Қаср ва Гунбаз деб аталган учта дарвозаси бўлган. Бу дарвозалардан бири шаҳристоннинг шарқий томонида бўлиб тахмин қилинишича, у ҳозирги «Аброр Ҳидоят» театри биноси олдида жойлашган. Фарбдан Шарққа томон шаҳарни кесиб ўтган асосий йўл шу ерда тугаган. Шунга



асосланиб айрим тадқиқотчилар ўша пайтларда шаҳ-
ристоннинг шарқий дарвозаси ташқарисида жой-
лашган майдон Хадироҳ (Хад – чегара, роҳ – йўл,
кўча) яъни йўлнинг охири деб юритилгандир, ке-
йинчалик бу жой халқ тилида Хадра бўлиб кетган
деб, изоҳлайдилар. Қадимда бу майдон Регистон
номи билан машҳур бўлган. Аслида Хадра сўзи адрли



Тошкентда зарб қилинган тангалар.

ер маъносини англатган. Балки шахристоннинг шарқий дарвозаси орқали ўтган йўл шаҳарнинг баланд қисми — адирликдан йўналгандир.

Шаҳристоннинг иккинчи дарвозаси эски товоқ бозорида, учинчи дарвозаси эса, Чорсудаги қандолат (кейинчалик бу ер ўтин бозори)га чиқиш ерида бўлган. Бинкат ички рабодининг Хумдон, Оҳанин (темир қопланган), Мир — (амир), Фаркон (Анқор бўйи); Карманж, Кўйи Сахл, Рошидижак, Кўйи Хоқон, Кўшки деҳқон деб аталган ўнта дарвозаси бўлган. Ташқи рабодга қалъа девори бўйлаб ўрнатилган Фаргад (Паркат) Хашкат ёки Хушкат (Яхши маҳалла), Сангдижак (Сангдизак), Оҳанин, Бакрдижак, Сакрак, Бофаряд номли етти дарвозаларидан киирилган.

Шаҳар ҳокимининг саройи, қамоқхона, чақа ва тангалар сўқиб чиқариладиган зарбхона аркнинг ичида бўлиб, жоме мачит унинг ташқарисига жойлашган. Ҳунармандларнинг маҳалла-кўйлари, амирларнинг қароргоҳлари, ердор мулк эгаларининг кўшк ва қўрғонлари ва бозорлар Бинкатнинг шахристон, ички ва ташқи рабод қисмларида бўлган. Айниқса бозорларнинг кўпи ички рабодда жойлашган. Масалан, ҳозирги кунгача машҳур бўлган Эски Жува аслида «Иско Жўба» яъни суғдча юқори, яъни катта бозор сўзидан олинган бўлиб, Иско Жўба сўзи эса, қадимда шу жойда марказий бозор бўлганидан далолат беради. Эски Жувадан шимолроқда жойлашган Сағвон маҳалласининг асли номи «Суқбон», яъни «суқ — арабча бозор, бон — форсча қоровули» маъносини англатган. Чунки даштдан ҳайдаб



келинган отар-отар қўйлар, қора мол ва йилқиларни қўриқлаб, бозорда фаррошлик ҳамда жаллоблик қилган кишилар шу маҳаллада яшаган. Гарчи шаҳарнинг айрим номлари ҳамда ёзма манбалардаги узуқ-юлуқ маълумотлар Бинкатнинг узоқ ўтмиши ҳақида ҳикоя қилса-да, бироқ унинг тарихий манзарасини бир оз бўлса-да тиклаш Тошкент эски шаҳари ҳудудида кенг қўламда археологик кузатиш ва топономик тадқиқотлар олиб боришни талаб этар эди.

Тошкент зилзиласидан сўнг пойтахтимизда бошланган улкан қурилишлар муносабати билан академик Яҳё Фуломов ташаббуси билан ташкил этилган махсус «Тошкент археологик экспедицияси» бу борда синчковлик билан тадқиқот ишларини олиб борди. Археологларимиз эски шаҳар майдонида қурилаётган ҳар бир иморат, ҳар бир иншоот ва коммуникация, пойдевор ва зовурларида кузатиш ва қазишлар ўтказиб, Тошкентнинг IX—XII аср тарихий топографиясига кўпгина ойдинлик киритдилар. Ёзма манба ва археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, шаҳар деворидан ташқарида, унинг жануб-ғарб томонида жойлашган ерлар Бинкатнинг шаҳар ташқарисидаги энг серсув, ўзлаштирилиб обод этилган майдони ҳисобланган. Шаҳарликларнинг боғроғлари, токзорлари, экин майдонлари кўпроқ шу ҳудудда жойлашган. У ҳозирги Самарқанд дарвоза, Чилонзор Оқтепаси ҳамда Чилонзор массивидаги Чўпонота, Қатортол, Қозиравог, Дўмбиравог ва Қани каби аҳоли яшайдиган мавзелар жойлашган ҳудудларга тўғри келади.



Шаҳардан жанубга томон кетган катта карвон йўли Роҳикат, яъни Кат йўли ёки «Шаҳарга олиб борадиган кенг йўл» номи билан машҳур бўлган. Бу йўл ёқасида кейинчалик ташкил топган маҳалла бизнинг давримизгача Ракат талаффузида юритилиб келмоқда, Роҳикат Чиночкат (Чинос) орқали Сирдарё бўйларига ва у ердан Дизак (Жиззах) орқали Самарқандга томон йўналган.

Шаҳарнинг шарқий томонида жойлашган Фаргад (Паркат) дарвозаси орқали чиққан йўлнинг бир тирсаги Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб ҳозирги Бўстонлиқ туманига, иккинчи тирсаги дарёдан кесиб ўтиб Паркатга ва учинчи тирсаги Пскат (аслида Пасткат, яъни Қуйи қишлоқ ёки қуйи шаҳар) орқали Оҳангарон ва у ердан Фарғона водийсига томон йўналган. Шаҳар атрофида суғориш тармоқлари ҳамда карвон йўллари бўйлаб баъзан истехкомли, баъзан истехкомсиз яланғоч катта-кичик қишлоқлар жойлашган. Бу қишлоқларнинг ҳар бири ҳунармандчиликнинг маълум бир тури бўйича ихтисослашган. Ишлаб чиқарган ўз ҳунармандчилик маҳсулотлари билан бу қишлоқлар Шошнинг ички ва ташқи савдосини жонлантирибгина қолмай, унинг иқтисодий тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнаган. Бешоғоч яқинида, Хўжааламбардор мозори биқинида жойлашган қадимги Оққўрғон, Тахтапулдаги Коҳакота, ҳозирги Тошкент қандолат фабрикаси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислиги институти ўрнида бўлган қадимги Чимрабод ёки Оққўрғон, Шайхонтаҳурда жойлашган, аслида Қаръядех, яъни «қишлоқ» деб



аталиб, сўнгра халқ тилида Қорёғди деб юритилиб кетган жойлар Бинкат шахри атрофидаги мавзелардан ҳисобланади.

Пойтахтимиз ҳудудига олиб борилган археология тадқиқотларидан маълум бўлишича, X—XI асрларда Бинкат ва унинг атрофидаги мавзеларда кулолчилик ва шишапазлик анча-мунча юқори даражада эди. Топилган турли-туман сопол буюмлар орасида сурункасига оқ рангли сир берилиб, устидан қора ёки қўнғир, баъзан нимпушти ёки нимяшил сирли бўёқлар билан турли хил геометрик нақшлар тортилган сопол идишлар: норин товоқлар, коса ва нимкосалар, қаймоқдон ва тақсимчалар, лаган ва чироқлар ҳамда давот (сиёҳдон)лар ўз даврининг ажойиб сервиси ҳисобланади. Топилган сопол буюмлар орасида баъзан ичи ёки ҳошиясига арабча куфа хати билан яхши ниятли сўзлар битилган, афсонавий парранда ёки биронта жонли мавжудот тасвири чизилган идиш-товоқлар айниқса диққатга сазовордир. Шубҳасиз, бу идишлар нозик дидли, кибр-ҳаволи шаҳар аёнларининг юқори табақа вакилларига мансуб бўлган харидорларга мўлжалланган. Бинкатнинг қадимги кулоллари ёш болаларни ҳам эсдан чиқаришмаган. Улар учун сополдан от, туя, қўчқор, хўроз каби сопол ҳайкалчалар ва ҳуштаклар ясаб, байрам кунлари уларга тортиқ этганлар.

Бинкатнинг X—XI аср ҳунармандчилигига оид нодир ашёвий топилмалар «Олмазор» мавзесида қайд этилган қадимги шишапазлик устахонаси қолдиқларидан ковлаб очилди. Улар орасида тиниқ сариқ,




нимяшил, зангори, тўқ пушти, жигар рангли шиша буюмлар: графинлар, бокаллар, кружкалар, флакончалар, кўзачалар, кимёвий идишчалар, бешик асбобларидан тувак ва сумаклар бўлиб, уларнинг сиртига рельефли, ботиқ ўйма ва қабартма нақшлар берилган. Бу ранго-ранг шиша идишларнинг шаклларида торттиб, уларга берилган турли хилдаги нақшлар X—XI асрларда Бинкат шишапазлари Самарқанд, Бухоро ва Ахсикат шаҳарлари усталаридан қолишмайдиган даражада ҳунар ва маҳоратга эга бўлганларидан далолат беради.

Ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар ҳамда археологик тадқиқотларга кўра, Шош вилояти ва унинг пойтахти — Бинкат айниқса X—XI асрларда равнақ топди. Бу даврда вилоят йирик ҳунармандчилик ва савдо марказига айланган. Айни пайтда Бинкатдан қурол-яроғ, темир ҳамда мис буюм ва асбоблар, ҳатто қайчи ва тўғноғичларгача ва ёғочдан ясалган асбоб ва ускуналар, эгар ва жабдуқлар, ип ва ипак газламалар, жойнамоз ва чойшаблар, игна ва пичоқлар, устки кийимлар, пойафзаллар, чодирлар ва бошқа хил турли-туман ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда узоқ мамлакатлардан келтирилдиган моллар четга, жумладан Дашти Қипчоқ (Қозоғистонга) ҳудудларига чиқарилган.

Тўқимачилик ва гиламдўзлик етакчи ўринда бўлган. Манбаларда таъкидланишича Бинкатда тўқилган жун ва ипли матолар, мовут чакмон, яъни сукно ёки жун тўнлар, чодирлар, жойнамоз гиламчалар, чарм буюмлар, қорамол териси қопланган баланд қошли Чоч эгарлари, наматлар билан ёпилган катта





қора уй — ўтов (юрта)лар тўғрисида ҳаётий маълумотлар келтирилади. Араб географи Истахрийнинг таъкидлашича, Шош (Чоч)да кийим-кечаклар шунчалик кўп тикиладики, ҳатто уларнинг бир қисми ўзга юртларга, хусусан даштликлар элига чиқарилган. Иккинчи араб географи Муқаддасийнинг ёзишича, Бинкатдан машҳур шоший камон (ўқ ва ёй), садоқ (ўқдон) ҳамда совутлар олиб кетилган. Шулар билан бир қаторда Сайхун (Сирдарё) орқали қайиқларда даштлик ғўз (оғуз)лар юртига турли дон-дун — ғалла ташилган. Булардан ташқари, Кавказорти мамлакатлари, Шимолий ва Ғарбий Европага Шошнинг соф кумуш тангалари ҳам кўп миқдорда олиб кетилган. Шошнинг кумуш кони ва ундаги зарбхона ўрта асрларда жаҳон бозорида «Маъдан-аш-Шош» (Шош кони) номи билан шуҳрат топган. Мазкур зарбхонада сўқилган кумуш дирҳамлар, шубҳасиз, Шарқий Европага товар сифатида олиб кетилган. Шошнинг кумуш пуллари Москвадан тортиб, Новгород, Финляндия ва Даниягача бўлган ҳудудларда топилган. Бундай топилмалар, шаксиз, ўрта асрларда Бинкатнинг ташқи савдо алоқаларида жадал иштирок этганидан далолат беради.

Х аср номаълум муаллифи томонидан ёзилган «Худуд ул-олам» (Оламнинг чегаралари) географик асарида «Чоч — бу катта вилоят, халқи жанговор ва сахийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалди. Бинкат Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар, айна вақтда подшонинг қароргоҳи» деб таърифланган. Шошда ясалган камон ўша вақтларда бутун Шарқда «Комони Шоший» номи билан машҳур бўлиб, у



узоққа отилиши ва нишонга аниқ бориб ва бехато тегиши билан Шарқ муаллифларининг асарларида таърифланган.

Бинкатнинг X—XI асрлардаги равнақи шубҳасиз, аввало шу даврда бутун Ўрта Осиёда содир бўлган иқтисодий ва ижтимоий таррақиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Араб халифалигининг сиёсий ҳукмронлиги инқирозга учраши ва бу ўлкада сомонийларнинг бирмунча марказлашган маҳаллий давлати ташкил топилиши унга катта туртки бўлди. Худди шу вақтларда пойтахтимиз ўзининг қадимги Чоч ва Шош, илк ўрта асрлардаги Бинкат номлари билан бир қаторда Тошкент деб юритила бошлади.

Манбаларда қайд этилишича, IX—XI асрларда Сайхун (Сирдарё) ҳавзаси минтақаси Туркистон деб юритилган. Мазкур асрларда Тошкент Туркистоннинг энг йирик шаҳарларидан ҳисобланган. XIII асрнинг биринчи чорагида у Туркистоннинг Исфижоб (Сайрам), Тароз, Ўтрор, Саврон, Ясси (Туркистон) ва Сигноқ шаҳарлари қаторида Хоразмшоҳлар давлати ҳукмронлиги остида бўлган. Сўнгра эса Чингизхон босқинлари оқибатида унинг ўғли Чигатой тасарруфига берилган. XIII аср охирида шаҳар тикланиб, аҳолиси бирмунча кўпайган. Унинг ҳар маҳалласида 50—70 хонадон истиқомат қилиб, масжидлар ишлай бошлаган.



КЎШ НОМЛИ ТОШКЕНТ

Бинкатга Тошканд деб сўнгги ном берилган аср унинг ривожланган ўрта асрлар тарихида энг ободлашган даври ҳисобланади.


Бу даврда қадимги шаҳристон ва ички ҳамда ташқи рабодларда аҳоли сони ортиб, ҳунармандчилик маҳалла ва гузарлари ниҳоятда зичлашиб кетади. Шаҳар ўзининг қадимги деворлари доирасидан тошиб чиқади. Айниқса ҳозирги Чорсу бозорининг кун ботиш томонидаги аввалги Қаллаҳона, Кесак кўрғон ва Сасси (яъни Сасли — овозли) ҳовуз маҳаллаларигача бўлган жойларда кўпроқ ҳунармандларнинг уй-жойлари, ҳунархоналари бўлиб, аҳоли анча-мунча зич яшаган. Булардан ташқари шаҳар ичида амирларнинг қароргоҳлари — саройлар, йирик ердор ва мулкдорларнинг (ўша вақтларда бу табақа деҳқон, яъни қишлоқ ҳокими деб юритилган) кўшк ва кўрғонлари ҳамда бозорлари бўлган. Буни ҳатто шаҳар дарвозаларининг номлари ва бизгача сақланиб қолган баъзи бир топонимлар (кўча ва маҳалла номлари) дан билиб олиши мумкин. Масалан, шаҳар дарвозаларидан Кўшки деҳқон — мулкдор ҳоким, Сангдижак — Тошқалъача, Бакрдижак — Бакр қизлар қалъачаси, Рошидижак — вайрон бўлган қалъанинг марзаси, Кўйи хоқон — хоқон яшайдиган хиёбон, Кўйи Саҳл — енгил очиладиган (қулай) дарвоза хиёбони маъноларини англатади.

Манбаларда тасвирланишича, хомғишт ва пахсадан бино қилинган шаҳар иморатлари бу даврда ўзининг улуғворлиги билан кўзга ташланар эди.



Шаҳар сувга ниҳоятда сероб бўлиб, ҳар бир ҳовлидан зилол обиравон оқиб ўтган. Сув тармоқларининг аксарияти шаҳристон ҳамда ички ва ташқи рабодларни кесиб ўтар эди. Айниқса рабодлар боғ-роғли ва серсув эди. Ўрта аср муаллифлари Бинкатни кўкаламзорликка бурканган Мовароуннаҳрдаги энг баҳова шаҳарлар қаторида таърифлайдилар.

Тошкент метроси трассаси, Истиқлол майдони, Чорсу меҳмонхонаси, Олмазор, Лабзак, Хадра ва Жангоҳ мавзелари (аввалги марказ — 13, 14 ва 15) ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотларда



Тошкентнинг даҳа ва дарвозаларининг жойлашган тарҳи.

қайд этилган. XI—XII ва XIV—XVI аср маданий қатламлари ковлаб топилган моддий-маданият қолдиқлари, шаҳарнинг тарихий топографияси ва бизгача сақланмаган айрим ёдгорликлари тарҳини ўрганишда айниқса қимматли маълумот берди.

Бу майдонда қайд этилган шаҳар маданий қатламларининг даврма-давр тарқалган чегараларига қараганда, XI асрда шаҳарнинг Шарқий чегараси ҳозирги Хадра майдонидан бошланиб, у Зарқайнар кўчаси, Тошкент метросининг Чорсу бекатигача борган. Бекат ўрни Лабзакнинг оқава ва сизот сувларидан ҳосил бўлган тўқай ва ботқоқликдан иборат бўлиб, у Чорсугача чўзилган. Шаҳар деворининг ташқарисидан ковланган хандақ ёвгарчилик ва қамал вақтларида сувга тўлғазилиб қўйилган. Хандақдан шарқроқда, шаҳардан ташқарида катта қабристон бўлиб, унинг ўрни собиқ Дероз (дегрезлик) маҳалласи ва ҳозирги 42-сон мактаб атрофларига тўғри келади. Ҳозирги Лабзак, Хадра ва Жангоҳ мавзелари ҳамда тарихий Шайхонтахур томон чўзилган ерлар боғ ва майдонлардан иборат бўлган.

Шаҳарнинг жанубий чегараси Истиқлол майдонида қад кўтарган кино-концерт саройи атрофидан ўтган. Ундан бир оз шимоли-ғарброқда шаҳарнинг чегарасига яқин жойда илк ўрта асрларда суворийлардан ташкил топган ҳарбий навкар-чокарларнинг қалъаси — чокардиза жойлашган бўлиб, кейинчалик бу жойда қад кўтарган маҳалла Чокар номини олган. Бу топоним бизнинг давримизгача Чақар талаффузида етиб келган.



Чақардан бир мунча шарқроқдаги жойлар Ўрпопоя яъни «жар қовоғининг этаги» деб юритилган. Чунки шаҳардан ташқарига жойлашган бу ерлар жарликдан иборат бўлиб, у ерда кейинги асрларда ташкил топган маҳалла тошкентликлар ўртасида Арпапоя номи билан шуҳрат топган. Ҳозирги вақтда қадимги Ўрпопояда Республика ўрмончилик министрилиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиш Академиясининг бинолари қад кўтариб турибди.

Ўрпопоядан шарқда Анҳорнинг сўл қирғоғида ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президент девонининг биноси жойлашган ерда илк ўрта асрларда қурилган Қаймас, аслида Кўймас истехкоми бўлиб, унинг қолдиқлари Тали Қаймас, яъни Кўймас-тепа деб юритилган. 1865 йилда Тошкент Россия империяси томонидан босиб олингач, унинг ўрнида «Тупроқ кўрғон» — ҳарбий истехкоми қад кўтарилган.

Шаҳарнинг шимолий чегараси эса Эски шаҳардаги ўрта аср меъморий обидалардан Каффоли Шоший мақбараси ва Бароқхон мадрасасидан шимолроқда оқиб ўтадиган Калковуз анҳорининг ўнг соҳили бўйлаб кетган.

Шаҳарнинг ғарбий чегараси Кўкчагача (аслида Коҳак яъни коҳча, кичик қароргоҳ — қалъача) етиб борган. Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича шаҳардан атроф районларга кетган йўллар бўйлаб, гузарлар, ҳунармандчилик рабодлари, қишлоқлар ва қасабалар жойлашган.



Шаҳар ташқарисининг шимолий ва шимоли-ғарбий томонидаги кенг майдон гарчи Калковуз ва Жарариқ бўйлаб боғ-роғлар ва экин ерлари бўлса-да, асосан адирликлардан иборат кўриқ ерлар бўлган. Ҳозирги кунгача шаҳар топонимиясида сақланиб келаётган Ингичкакўриқ номи ўша қадимий табиий манзарадан гувоҳлик берувчи топонимлардандир. Шунингдек, ҳозирги Қурвақаобод мавзеси ҳам ўз замонасида Кўриқрабод деб юритилган. Чунки бу жой даставвал кўриқ ерда қад кўтарган якка-ю ягона аҳоли яшайдиган турар жой бўлган. Даштдан келадиган савдо карвонлари, мол ҳайдаб келувчи бозорчилар, дайди сайёҳлару дарвешлар кеч кириб, шаҳарга етиб боролмай қолса, мана шу Кўриқдаги рабодда бошпана топиб, тунаб қолганлар ва субҳидамда туриб шаҳарга кириб борганлар.

Тошкент атрофининг қадимий табиий манзараси сўнгги даврларда ҳам ўзининг асрий кўринишини сақлаб қолган эди. Бу ажойиб табиат жилоси сўнгги аср муаррихлари асарида ҳам завқу шавқ билан таъриф этилади.

Тошкентлик муаллиф Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошкент» (Тошкентнинг янги тарихи) номли асарида таърифланишича, баҳор мавсумларида шаҳарнинг шимоли-ғарбий ва ғарбий дарвозалари орқали Даштиқипчоқ (Жанубий Қозоғистон)га йўналган қадимги карвон йўлининг қарийб уч фарсаҳлик (18—21 км) масофадаги адирликларнинг бир чети сариқ, иккинчи чети қизил лолазорлар билан бурканган. Бу лолазорлар қадимул айёмдан бери ҳар йили баҳор мавсумида тошкентликларнинг




лола сайлига чиқиб, дам олиб қайтадиган истироҳатгоҳи бўлган.

Бу даврда Бинкат шаҳри ҳудудларининг кенгайиши оқибатида унинг шаҳристон ва ички рабод қисмлари ўзининг анъанавий мудофаа аҳамиятини йўқотиб, шаҳар ўрта асрлар қиёфасига кира бошлайди. Бу даврда Шош вилояти ва унинг бош шаҳри Қорахонлар давлат ҳайъатида бўлиб унинг маҳаллий ҳокимлари бир мунча чекланган бўлса-да, ҳарҳолда сиёсий мустақилликка эга эдилар. 1986 йилда қадимги Бинокат (Сирдарё бўйида жойлашган ўрта асрлардаги Шаҳруҳия шаҳри) харобаларидан топилган 700 дан иборат чақа-тангаларнинг айрим нусхаларига қараганда, (995—997) йилларда зарб этилган. X аср охири ва XI аср бошларида ҳатто Қорахонлар ўз номларига қўшиб Шош ва Элоқнинг маҳаллий ҳокимлари исми ёки даражаси битилган тангалар зарб этганлар. Чунки Шош ва Элоқни идора қилишда улар бу ўлкада асрий обрў ва эътиборга эга бўлган маҳаллий сулола — «деҳқон»ларнинг кўмагига муҳтож ва бу вилоятни идора этишда улар билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлган.

Шуниси қизиқки, XI асрнинг ўрталарида бутун Ўрта Осиёда бошланган кумуш танглиги оқибатида Шарқий Туркистондан то Фарғонагача бўлган ўлкалардаги зарбхоналар мисдан чақа пуллар зарб этган вақтда ҳам, Тошкент маълум миқдорда кумуш аралаштирилган тангалар чиқариб турган.

Археологик кузатишлар, ҳамда айрим ёзма манбалардан маълум бўлишича, XII асрдан бошлаб Тошкентнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти инқирозга юз





Бинкат. Эпиграфик нақшли сопол лаган. X аср.

тутиб, унинг шаҳристон ва рабодларидаги ҳунармандчилик маҳаллалари анча-мунча бўшаб қолади. Бу даврда Шошнинг қадимги зарбхонаси барҳам топиб, кумуш тангалар зарб этилиши мутлақо тўхтайди. Шубҳасиз, бу тушкунлик аввало Шош вилоятида, қолаверса бутун Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган ўзаро урушлару ҳарбий юришлар оқибатида содир бўлган эди.

XII асрнинг 40-йилларида Тошкент Қорахитой гўрхонларига, XII аср бошида Хоразм шоҳлар дав-

латига бўйсундирилади. Бу даврда Шарқдан бостириб келаётган найманларни ўз давлатининг ичкари-сига қўймаслик мақсадида ҳатто Муҳаммад Хоразмшоҳ Шошнинг обод туманларининг бир қисмини вайрон қилиб ташлайди. Бу даврда содир бўлган сиёсий парокандалик ва ижтимоий ҳамда иқтисодий танглик 1219 йилда Шош вилояти ва унинг марказий шаҳарлари Тошкент ва Банокатларни Чингизхон томонидан босиб олиниши енгиллаштирган эди.

Қарийб бир ярим аср давом этган мўнғуллар ҳукмронлиги даврида Шош вилояти Чиғатой улусига кириб, у мўнғулларнинг Жалойир уруғи учун ёзги яйлов, Тошкент шаҳри эса, улус нўёнлари учун дам оладиган қароргоҳга айланади. Археологик маълумотларга кўра, бу давр Тошкентда шаҳар ҳаётининг энг инқирозга учраган даври ҳисобланади.

XIV аср охирларидан бошлаб, Тошкент яна жонланиб, у янгитдан тараққий қила бошлайди. XV асрда эса шаҳар атрофи янгитдан ягона девор билан ўралиб, у йирик истехкомга айланади. Бу даврда Шош вилояти аввал Амир Темур салтанати, сўнгра Улуғбек давлатига қараб, гарчи у мамлакатнинг чекка ўлкаларидан ҳисобланса-да, аммо Тошкент дашт чегарасида кўчманчиларга қарши қаратилган қалқон чегара истехкоми ва улар билан олиб бориладиган айирбош савдо бозори сифатида катта аҳамият касб этади.

Шарққа томон бўладиган ҳарбий юришга тайёр-гарлик кўриш мақсадида Амир Темур ўз қўшинини Тошкент ва унинг атрофига тўплаган. Кўчманчи-



ларнинг тазйиқини кескинлашуви муносабати билан XV асрнинг 30-йилларида Улуғбек қўшини билан Тошкентга тез-тез келиб турган. XVI аср бошида эса, у Шайбонийхон томонидан босиб олинган. Аср давомида Тошкент Шайбонийхоннинг амакиси Суюнчхўжахон (1509—1525) ҳамда ўғиллари Султон Маҳмудхон (1525—1533), Наврўз Аҳмад-Баракхон (1533—1555) ва қатор набиралари томонидан бошқарилади. Тошкентда шайбонийлар ҳукмронлигига асос солган Суюнчхўжахон аслида онаси Улуғбек-



Бинкат. Эпиграфик нақшли сопол лаган. X аср.


нинг қизи Робия Султонбегимнинг кенжа ўғли бўлиб, темурийзодалардан эди. Бу даврда шаҳар жонланиб қанчалик кенгаймасин, ўзининг Х—ХII асрлардаги хунармандчилик ва маданият равнақиға етиб бора олмаган.

Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, XV—XVI асрларда Тошкент айниқса жанубға — Бешоғочға ҳамда шарққа Шайхонтахурға томон кенгайиб борган. Худди шу даврда аввал Қоратош ва Олмазор маҳаллалари оралиғида янги ўрда барпо этилиб, унинг атрофи шаҳарнинг энг обод ва кўркам қисмиға айланган.

Бу даврда Тошкент Юнусхон, Хўжа Аҳрор, Кўкалдош, Баракхон ва кўпгина бошқа мадрасалар каби қатор меъморий обидалар қад кўтариб, шаҳарнинг маданий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Булардан ташқари, Тошкент ва унинг атрофида шаҳар аҳли ва жамоатчилиги тўпланадиган қатор мачит ва намозгоҳлар, ҳаммому гузарлар, зиёратгоҳу сайилгоҳлар бўлиб, уларнинг кўпи бизнинг давримизгача сақланиб қолмаган.

Кўкалдош мадрасаси яқинида XVI аср кулолчилик маҳаллаларининг бир қисми қайд этилиб, унда ковлаб очилган устахона ва хумдон айниқса диққатға сазовордир. Археологик топилмаларға қараганда бу ерда сирли сопол идишлардан ташқари йирик меъморий бинолар учун турли рангдаги кошин ва парчинлар пиширилган. Бу ерда тайёрланган парчин ва кошинлар ўзининг рангдорлиги, нақши ва сифати жиҳатидан Самарқанд ва Бухоро кошинпазлар маҳсулотидан қолишмаган.






Бинкат. Шиша. Жом — қадаҳ. X—XI асрлар.



Тошкентнинг бизгача сақланиб қолмаган XV—XVI меъморий обидаларидан бирининг қолдиқлари 1981—1982 йилларда аввалги Қоратош ва Олмазор маҳаллалар оралиғида қурилган Республика рассомчилик коллежи янги биноси пойдевори остидан топилиб ўрганилди. Бу ёдгорлик XV—XVI асрларда қурилган ҳашаматли ҳаммомнинг вайроналари бўлиб, улар Тошкентнинг тарихий топографияси, айниқса шаҳар қурилиши тарhini янги саҳифалар билан бойитди.

Бу нодир обиданинг бизнинг давримизгача фақат остки қисмларигина сақланиб, унинг девор, тоқу равоқ ҳамда гумбазлари бундан бир неча аср муқаддам вайрон бўлиб, усти текисланиб кетган. Ҳозирги кунда ёдгорликнинг учдан бир қисми очиб

ўрганилди. Унинг сақланиб қолган қолдиқларига қараганда, у Бухоро шаҳрида бино қилинган Саррофон ҳаммомига жуда ўхшаш тарҳда қурилган. Обиданинг кийимхонасидан ташқари унинг марказида саккиз бурчакли икки ювиниш хоналари — миёнсарой, уларнинг атрофида равоқли айвонлар, катталиги 5×5 метрли учта квадрат ва диаметри 5 метрли битта доира шаклдаги иссиқ — гармобахона ва совуқхоналар ҳамда катталиги 2,5×2, 2×1 метрли олтига (учтадан) сув иситгич ҳовузчалар ковлаб



Бинкат. Шиша. Кўза-графин. X—XI асрлар.

очилди. Булардан ташқари, айрим хоналарда катталиги 120—130 сантиметрли ванналар (ҳовузча) бўлиб, уларда шубҳасиз ўз вақтида доривор ўсимликлар сувга ивителиб, бод, офтоб уриш, иссиқлик тошмаси (аллергия) каби хасталикларга қарши даволанишда бундай гиёҳли ишқорли ва хушмоддали сувлар билан ғусл қилинган.

Ҳаммомнинг айниқса иситгич ва ташнов (канализация) тармоқлари яхши сақланган. Япалоқ пишиқ гиштлардан ишланиб хоналар тубидан ўтказилган иситгичларнинг баландлиги 1,9 метрга боради. Оқизинди сувлар ташлагич тизими — тазар ва қудуғи, ҳовузчалар ҳамда ванналар сувга чидамли маҳсус қурилиш қоришмалари — «қир» билан сувалган.

Қизиғи шундаки, кийимхона ва миёнсаройларнинг саҳни ва деворларининг пастки қисми кошин ва парчинлар билан қопланган. Улар шубҳасиз бу иншоотни XV—XVI асрларда Тошкентнинг Олмазор ва Қоратош ҳудудида жойлашган Эски Ўрда саройлари мажмуаси биноларининг бир қисми эканидан далолат беради. Бундай ҳаммомлар Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда VIII асрда пайдо бўлиб, IX—X асрлардан бошлаб кенг тарқалган.

Афсуски ўрта асрларда Тошкентда оддий меҳнаткаш аҳолининг билак кучи билан қурилган бундай ажойиб бино ва иншоотларнинг ижодкор қурувчи уста ва меъморларнинг номлари манбаларда деярли тилга олинмайди. Демак, бу даврда шаҳар Шош ёки Шошкент ва Тошканд деб қўш номлар билан юритилган. У Ўрта Осиёнинг муҳим маъмурий ва маданий бандаргоҳ марказларидан бирига айланган.



ТОШКЕНТНИНГ ҚАДИМИЙ НОМЛАРИ

*Тоғлардан дарёга, дарёдан воҳага,
воҳадан шаҳарга кўчган ном*

Тошкент шаҳри ўзининг йигирма икки асрлик ўтмиши мобайнида ўлканинг табиий шароити ва уни ўзлаштириб обод этган қадимги аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаёт тақозоси билан бир жойдан иккинчи жойга силжиб, қадимги рўйзаминини бир неча бор ўзгартиргани сингари, унинг номи ҳам асрлар давомида бир неча бор ўзгарган. Пойтахтимизни ҳозирги номи унга берилган исмларнинг энг сўнггиси бўлиб, «Тошкент» сўзи ёзма манбаларда даставвал XI асрнинг машҳур алломалари Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарийларнинг асарларида тилга олинади.

Бизгача етиб келган ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Тошкентнинг энг қадимги номи «Чоч» бўлган. Араб алифбесида «ч» ҳарфининг йўқлиги боисидан арабий ва форсий асарларда у «Шош» деб юритилган. Илк ўрта асрларда у Чоч, Шош, Шошкент, Мадинат аш-Шош, Бинкат ва Таркан деб номланган.

Хўш, республикамиз пойтахтининг бу қадимги номлари қачон пайдо бўлган ва улар қандай маънони англатади?

Авалло шуни айтиб ўтиш жоизки, Тошкентнинг энг қадимги номи — «Чоч» шаҳарнинг ёшига нисбатан қадимийроқдир. Чунки бу ном ҳали Тошкент шаҳри пайдо бўлмасдан бир неча асрлар



муқаддам Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари водийлари ва бу икки дарёнинг суви билан обод этилган Тошкент воҳасига берилган бўлиб, бу ўлканинг қадимги маҳаллий аҳолиси томонидан у «Чоч эли», яъни «Чочанап» деб юритилган. Даставвал бу атама оташпарастларнинг қадимий муқаддас китоби Авестода тилга олинади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, бу атама милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида юзага келган бўлиб, асли Орол денгизининг қадимги эрон тилидаги «Чае-часта» деган номидан келиб чиққан.

Маълумки, водий, воҳа ёки жой номлари — топонимлар, одатда, улар жойлашган ўлка табиатининг айрим хусусиятлари ёки қадимги аҳолиси ва баъзан қад кўтарган аҳоли манзилларининг сони ва сифатларига нисбатан берилади. Хўш, шундай экан, ўлка табиатининг қандай сифатига нисбатан Тошкент воҳаси қадимда «Чоч» ва «Чачанап» деб юритилган?

Бу масалага ойдинлик киритиш учун аввало Тошкент вилоятининг тутган географик ўрнига назар ташлаш лозим. Маълумки, бу қадимги ўлка шарқдан «Чотқол—Курама» ва «Қоржантов» (Қоржовгантов) тизмалари, жануб ва ғарбдан Сирдарё ва шимолдан қадимда «Буюк дашт» ёки «Дашти қипчоқ» деб аталган Қозоғистоннинг жанубий ҳудудлари билан ўралиб туради. Унинг бундай табиий шароити аввалдан ўлканинг иқтисодий ҳаётида айниқса, бу ерда ибтидоий чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликларининг вужудга келиши ва ривожланишида катта ўрин тутган. Чотқол—Курама тоғлари ва тоғолди



адирликлар чорвачилик учун кенг яйлов, Чирчиқ ва Оҳангарон дарё водийлари деҳқончилик учун асосий обиҳаёт манбаи бўлиб хизмат қилган бўлса, бу тоғлардан ковлаб олинадиган турли хил маъданлар ўлкада қадимдан хунармандчилик: чилангарлик, мисгарлик, заргарлик ва ҳоказоларни ривожлантиришга имкон берган. Тошкент воҳасини кун чиқиш томонидан «Саддичин»дек тўсиб, уни обиҳаёт билан таъминлаб турган Чотқол—Қурама тизмалари III аср Эрон ёзувларидан бу тоғ «Кўҳи Чоч» номи билан тилга олинади.

«Чоч» сўзи қадимда маҳаллий аҳоли тилида «тоғ» ва «тош» каби икки хил маъноларни англатган. Чоч тоғидан оқиб тушадиган дарё (ҳозирги Чирчиқ дарёси) ҳам ўша вақтларда «Оби Чоч» яъни «Чоч суви» ёки «Чоч дарёси» деб аталиб, Чирчиқ дарёсини ҳосил қиладиган тўртта тоғ ирмоқлари: Чотқол, Пском, Угом, ва Кўксувлардан охиргиси маҳаллий аҳоли ўртасида «Оби Кўҳ» номи билан машҳур бўлиб, у «Тоғ суви», «Тоғ дарёси» маъносини англатади.

Ўрта асрларда Чирчиқ дарёси «Парак», «Оби парак», «Дарёйи Парак» номлари билан юритилган. «Пар» ёки «Парак» аслида суғдийча бўлиб, у «юқоридан пастга тушиш», «эниш», «қулаш» маъноларини англатади. Масалан, ягнобликлар тоғдан тош кўчиб қулайдиган жойни «сангпар» яъни «тош қулаш» деб атайдилар. Шуларга асосланса «Оби Парак» сўзмасўз «Тоғдан оқиб тушадиган дарё», «Тез оқар дарё ёки бир сўз билан айтганда, «Шаршара дарё» — «Шаршарача» деган маънони англатади. Чирчиқ



дарёсининг бош ирмоғи Чотқол дарёсига Обираҳмат яқинида қўшиладиган сойнинг номи «Оби палтов» бўлиб, у юқоридан ташланган сув ёки «ташлама» сой маъносини англатади. Агарда келтирилган Чирчиқнинг қадимги атамалари маъносига қараб фикр юритилса, улар мазкур дарёнинг кўзга яққол ташланадиган асосий сифатига жуда монанддир.

Дарҳақиқат, Чирчиқ дарёси юқори оқимининг нишоби кескин катта бўлгани учун у тоғдан шаршарадек катта тезлик билан оқиб тушар ва ўзи билан олиб келган беҳисоб оқизинди жинслар: харсанг, тош, шағал, қум ва лойқаларни асрлар давомида бутун водий бўйлаб ётқизиб келган.

Бу қадимги водий бўйлаб барпо этилган Қорасув суғориш тармоғининг бир шохариғи яқин кунларгача «Тош ариқ» номи билан машҳур бўлган. Бу атамалар, шубҳасиз, Чирчиқ дарёси, унинг тармоқлари ва улардан чиқарилган суғориш шохабларига ном берган қадимги аجدодларнинг ниҳоятда кузатувчан бўлганидан далолат беради.

Демак, «Чоч» атамаси Чотқол-Қурама тизма тоғларидан бош олган Чирчиқ дарёси суви билан суғорилиб обод этилган Тошкент воҳасининг номи бўлиб, «Чоч» сўнгра «Шош», «Вилояти Шош» ва «Мамлакати Чоч ёки Шош», яъни «Чачинап» деб юритилган.

Қадимги Хитой манбаларида (милоддан аввалги II аср ва милоднинг V асрлари) бу вилоят қадимда Лоюени, Юни сўнгра Чачинап ва Ши деб номланган. Бу атамалар (аввалгисидан ташқари) «Чоч» сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб,



ҳатто охирги «ши» топоними «тош» маъносини англаган.

Милоддан аввалги III асрда қадимги Чоч вилоятида ташкил топиб, милоднинг V асригача ҳукм сурган давлат «Қанғ», «Қанқа» ёки «Қанғха» деб аталган. Хитой ёзма манбаларида у «Кангюй» ёки «Кандзюй» номлари билан тилга олинади. Қадимги тохарлар (Сурхондарё воҳасининг қадимги аҳолиси) тилида «Қанғ» сўзи ҳам «тош» билан бир қаторда «баланд гилдиракли тошдек мустаҳкам арава маъносини англаган. Милоддан аввалги II—I асрларда Қанғ давлати ниҳоятда кучайиб, унга бешта вилоят: Сусей «Кеш», Фуму (Суғд), Юни (Чоч), Ги (Бухоро), Юегянь (Хоразм) ҳокимлари бўйсунган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу вилоятларнинг номлари Хитой манбаларидан олингани учун хитойчадир. Чунки қадимда ва ўрта асрларда Ўрта Осиёга юборилган Хитой элчилари ўз ахборотларида маҳаллий ўлка номларини ўз тилларига таржима қилиб баён этганлар. Бу давлатнинг пойтахти Битянь шаҳри бўлиб, у Иоша дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган. Битянь шаҳри Даван (Фарғона водийси) дан 1510 ли (528 км) масофада бўлган. Бу қадимги пойтахтнинг харобалари тепа шаклида бизнинг давримизгача сақланган.

Демак, қадимда тоғ, сўнгра ундан оқиб тушадиган дарё кейинчалик шу дарё туфайли обод этилган воҳага берилган «Чоч» ёки «Чачанап» атамаси, ниҳоят шу воҳада қад кўтарган дастлабки аҳоли яшайдиган қишлоқ ва шаҳар исмига айланган. Бу атамага аввал «кат», сўнгра «қанд» ёки «кент» сўзлари қўшилиб



юритилган. Бу кейинги қўшимчалар шубҳасиз аҳоли яшайдиган жой эканини белгилаб берувчи сўзлардир. Қадимги Чоч ёки Шош воҳасининг дашт билан туташган шимолий чегарасида қад кўтарган дастлабки аҳоли яшайдиган деҳқончилик қишлоғи (кейинчалик у шаҳарга айланган) Чочкат деб аталиб, унинг бизгача етиб келган тепа шаклидаги харобаси тошкентликлар ўртасида «Шоштепа» номи остида шуҳрат топган.

Юқорида қайд этилганидек эрамиз бошларида Чоч воҳасида шаҳар маданияти кенгайиб, Қорасув, Салор ва Жўнариқ суғориш тармоқлари бўйлаб, янги ерлар ўзлаштирилиб обод этилиши муносабати билан қадимги Чоч шаҳри янги жойда, ҳозирги Шимолий темир йўл вокзали яқинида Салор суви бўйида янгитдан қад кўтаради. V асрга борганда у кенгайиб, Шош вилоятининг марказига айланади. Бу қадимги шаҳарнинг харобалари Мингўрик тепасидир. Шу вақтдан бошлаб бу янги марказ шаҳар ҳам Чоч номи билан атала бошлайди. Араблар бу шаҳарни Шош ва Мадинат аш-Шош деб атайдилар. Археологик маълумотларга қараганда, Мингўриктепада топиб текширилган қадимги Чочканд шаҳри айниқса IV—VIII асрларда гуллаб яшнаган. VIII аср ўрталарида Тошкентнинг Араб халифалиги томонидан босиб олинishi оқибатида бошланган халқ кўзғалонлари даврида Мингўрикдаги Шошканд шаҳри вайрон этилиб, у бўшаб қолади. IX асрга борганда шаҳар янги жойда ҳозирги Хадра майдони ва «Чорсу» меҳмонхонаси жойлашган аввалги Хадрада қайтадан қад кўтаради. Бу янги жойда қад кўтарган шаҳар IX—XI асрларда





Тошкент. Ҳаммом. XV аср охири XVI аср боши. Қазишмалар.

«Бинкат» деб юритилади. «Бинкат» форс ва тожик тилларида «узоқдаги», «кўзга кўринадиган», «пастдаги», «қуйидаги шаҳар» деган маънони англатган. Дарҳақиқат, Бинкат, Салор анҳори бўйида қад кўтарган қадимги Шош шаҳридан 8 км шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, унга нисбатан қуйи ҳисобланар эди.

Маҳмуд Кошғарийнинг маълумоти бўйича, Тошкент шаҳри бу даврда «Таркан» деб ҳам юритилган. Унинг бу нодир исми «Оқар сув» бўйидаги шаҳар маъносини англатади, яъни унинг Калкавуз ва Анҳор сувлари бўйида жойлашганига ишорадир.

XI асрда Тошкентнинг қадимги номларидан Шошкент турк тилига таржима қилиниб, уни «Тошканд» деб, юритила бошлаган, бу қўшалоқ номлар: Шошкент, Бинкат, Тошканд билан шаҳар бир неча аср давомида аталиб келинган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз эсдаликларида «...асарларда Тошканд номини Шош, баъзан Чоч деб ёзадилар» — деб, қайд этади.

XVI аср муаллифларидан Фазлуллоҳ ибн Рўзбихоннинг ёзишича, Тошкент ва унга қарам бўлган ерлар «Шош вилояти» номи билан юритилган. XVI аср 90-йилларига мансуб қозилик ҳужжатида эса, шаҳарнинг кўпроқ Тошканд номи билан машҳур бўлгани таъкидланган. Ҳужжатда: «Шошкандда яъни Тошканд номи билан машҳур бўлган шаҳарда», — деган, сўзлар қайд этилган.

XVII асрда яшаган қомусшунос олим Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, Тошкент унинг даврида ҳам уч ном билан юритилган. «Шош — Сайхун (Сирдарё)нинг у томонига жойлашган шаҳар ва у Туркистон (вилояти)га қарайди... Уни Чоч деб атайдилар. Бироқ ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машҳурдир» — деб ёзади бу ҳақда Маҳмуд ибн Вали.

Демак, XVI аср охири ва XVII аср бошларида Тошкентнинг Чоч, Шош ва Бинкат каби қадимий



номлари аҳоли ўртасида муомиладан чиқиб, унинг сўнги атамаси шуҳрат топа бошлади. Худди шу вақтдан бошлаб у ягона Тошканд номи билан юритилиб кетади. Тошкентнинг қадимги номлари остида яширинган унинг барча сифатлари фақат мустақиллик даврида, у юксак санъат ва маданият маркази, Шарқнинг ҳақиқий машъалига айланган даврда ўз ифодасини тўла топди. Шундай қилиб, Тошкент воҳасининг табиий сифатлари асосида пайдо бўлган қадимги «Чоч» атамаси, аввал тоққа, ундан дарёга ва воҳага ўтиб, сўнгра бу обод воҳада қад кўтарган шаҳарга берилган. Бу номларнинг келиб чиққан даври ва уларнинг маъносини аниқлаш, шубҳасиз Тошкент шаҳри тарихини бизгача сақланиб қолмаган саҳифаларини тиклаш имконини беради.



ТОШКЕНТНИНГ ТЎРТ ДАҲАСИ

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳа (туман)га бўлинган эди. Манбаларда шимолӣ даҳа — Каффоли Шоший, жанубийси — Зангиота, шарқийси — Шайхонтахур ва ғарбийси — Шайх Зайниддин номлари остида таъриф этилса-да, шаҳар аҳли ўртасида улар кўпроқ Себзор, Бешёғоч, Шайхонтахур ва Кўкча деб юритилар эди. Бу даврда Тошкентда шаҳарликлар томонидан тан олинган ва сайланган ягона ҳоким — бошқарувчи арбоби мавжуд эмас эди. Шу боисдан шаҳар тўрт мустақил қисм — даҳаларга ажралиб кетган эди. Ҳар бир даҳа ўз



ҳокимини сайлаб, шаҳарликлар ва чорвадор аҳоли вакиллари иштирокида тўпланган умумқурултойида тасдиқлаб олар эди. Ҳар бир даҳа ҳокими тайин этилгач даҳаларни бошқариш маъмурияти — қозиси, раиси ва бошқа лавозимларга шаҳар мулкдор аслзодаларидан тайин этилар эди. Бозор, шаҳарнинг мудофаа масалалари билан боғлиқ масалаларни чор ҳокимлар ҳал қиларди. Шу сабабли бу давр шаҳар тарихида «Чорҳокимлик» номи билан шуҳрат топган эди. Ҳокимлар ёв босган даврларда навбатма-навбат ҳарбий қўшин сафига ўз навқарларини юбориб турганлар. Муҳим масалаларни биргаликда ҳал этганлар. Кўпинча, улар бош ҳокимликни эгаллаш учун бир-бирлари билан тўқнашиб турганлар. Бундай шаҳар ҳокимларининг ўзаро низолари кучайиб, шаҳар гоҳ у, гоҳ бу ҳоким қўлига ўтар эди. Бундай шароитда, шубҳасиз шаҳар ниҳоятда нотинч бўлиб, Тошкент аҳли жуда азоб-уқубатда яшар эди. Кўпинча Себзор даҳаси билан Кўкча даҳаси бирлашиб, Шайхонтаҳур даҳасига қарши кураш бошлар эди. Бундай вазият содир бўлган вақтда Шайхонтаҳур даҳаси билан Бешоғоч даҳаси бирлашар эди. Ўзаро низо кучайган пайтларда шаҳар марказидан оқиб ўтадиган Лабзак сувининг (ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги шаҳар истироҳат боғи ва Эски Жува автобуслар бекати) икки лаби жанг майдонига айланарди. Шу боисдан Лабзак сувининг номи шаҳарликлар орасида «Жангоб» яъни «Жанг суви» ва бу анҳорнинг икки ёқаси эса «Жангоҳ» яъни «Олишув жойи» ёки «Жанг майдони» деб шуҳрат топган эди. Тошкентнинг бу машҳур атамалари ҳозирги вақтгача халқ оғзида сақланган.


«Тарихи жадидий Тошканд» — (Тошкентнинг янги тарихи) асарининг муаллифлари Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, чор ҳокимлик даврида Шайхонтаҳур даҳасида Юнусхўжа бинни Ҳидоятхўжа, Бешоғоч даҳасида Дониёрхўжа, Кўкча даҳасида Исҳоқхўжа ва Себзор даҳасида Шоҳбек (Шербек)лар ҳокимлик қилган. Тошкент ҳокимларининг ўзаро урушларидан хонавайрон бўлиб тинкаси қуриган шаҳарликлар кўзғолон кўтарганлар. Шаҳарда ягона ҳоким ва ягона ҳарбий бошлиқ бўлишини талаб қилиб чиққанлар. Юнусхўжадан ташқари уч даҳа ҳокимлари ағдарилиб ташланган. Голиблар талаби билан кенгаш чақирилиб, Девонбеги маҳалласидан бўлган Салимсоқтўра ҳарбий кўмондон, оталиқ вазифасига Рустамтўра, кўшин бошлиғи қилиб Бобохонтўра, парвоначи вазифасига эса Одилтўра таклифи билан шайхонтаҳурлик хўжалар авлодидан бўлган Юнусхўжа Ҳидоятхўжа ўғли Тошкент ҳокими этиб тайинланган.




Ҳар бир даҳада ўнлаб маҳалла, бир нечта масжид ва мадраса, ҳаммом ва бозорлар бўлган. Масалан, Себзор даҳасида 38 маҳалла, 3 мадраса ва 10 масжид бўлган. Себзорликлар асосан этикдўзлик, бўёқчи — нилчилик ва бўзчилик билан кун кечирган. Бешёғоч даҳаси 32 маҳалладан иборат бўлиб, унда 3 та мадраса ва 68 та масжид бўлган. Бешёғоч даҳаси ўзининг боғу роғлари, эгарчи — ҳунармандлари, «қизил иш» (отларни эгар остидага ёпинчиғи) сарпўш тикувчилари ва гиштчилари билан машҳур бўлган. Шайхонтаҳур даҳасида 48 маҳалла, 6 та масжид ва 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик билан шуғул-

ланган. Кўкча даҳаси 31 маҳалла, 3 та мадраса, 51 масжид бўлган. Кўкчаликлар асосан кўнчилик ва этикдўзлик билан тирикчилик қилган.

Тошкент бу даврда ҳам Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар каби баланд пахса девор билан ўраб олинган эди. XIX асрда яшаган тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидаий Тошкент» номли асарида Ўрта асрларда тўрт даҳани ўраб ўтган шаҳар деворини 12 дарвозаси: Қиёт, Турклар, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чигатой, Сувбониён, Кўкча, Командарон, Қанғли, Бешёғоч, Қатағонларнинг номма-ном тўла рўйхатини келтиради. Шаҳар дарвозалари атамаларини изоҳлар экан у ўз вақтида ҳар бир дарвозанинг маълум бир қабила вакилларига топширганлиги учун улар шу қабилалар номлари билан аталган деб ёзади.



Шаҳар майдони кенгайиши билан дарвозаларнинг ўрни ҳам, сони ҳам, ҳатто номи ҳам ўзгариб турган, шу боисдан бўлса керак шаҳар дарвозаларининг сони турли даврларда ёзилган манбаларда турлича кўрсатилган. Масалан, 1738—1739 йилларда Тошкентга юборилган биринчи рус савдо карвонининг бошлиғи Миллернинг ёзишича Тошкент дарвозалари 8 та; 1800 йилда Тошкент ҳокимининг таклифи билан келган рус тоғ инженери М.Поспеловнинг кўрсатишича 6 та; Филипп Назаровнинг (1813—1814) саёҳатномасида эса 12 та бўлган. Ҳатто Миллер дарвозаларнинг номи ва шаҳарнинг қайси томонида жойлашганини айтиб ўтган: Самарқанд дарвоза жануби-ғарбда; Бешёғоч ва Терсариқ дарвозалари жанубда; Шайхонтаҳур дарвозаси шарқда; Тарсахон дарвозаси шимоли-ғарбда;



Тошкент. Ҳаммом лойиҳаси. XV–XVI асрлар.

Қопқон (Қопқа) дарвозаси шимолда; Тоқчи (Кўкча) дарвозаси ғарбда. Тошкент шаҳрининг сўнги девори XIX аср бошларида лашкар бекларбеги ҳокимлиги даврида қайта тикланиб, унинг атрофи бўйлаб Кўймас, Кўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч каби 12 дарвоза қурилган. Бу дарвозалардан 4 таси Лабзак, Оққўрғон (Қашғар),

Кўқон ва Кўймас, шарқ томонда шаҳарга кейинчалик кўшиб олинган қисмидаги янги деворга ўрнатилган эди. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича шаҳар деворининг 12 та дарвозасидан ташқари девор бўйлаб ҳар минг қадамда биттадан «бору» (мўла), ҳар 4 минг қадамда эса биттадан бурж (минора)лар бино қилинган. Шаҳарнинг шарқий дарвозаларидан то ғарбий дарвозагача 8500 қадамни, шимолдан жанубгача эса 8100 қадамни ташкил этган. Шаҳар ичи ёз ойлари ниҳоятда дим, серчанг ва офтобли бўлар эди.

Ҳар бир дарвозадан шаҳар марказига — бозорга элтувчи кўю-кўчалар ва улардан эса кўплаб тор кўчалар тармоқланиб кетган эди. Бозор хусусан Эски Жўва бетараф жой ҳисобланиб, жанглар вақтида ҳам савдо-сотик давом этаверган. Кўчалар туташган чорраҳалар гузар деб юритилган. Гузарлар маҳаллалардаги марказ ва гавжум жой ҳисобланган. Гузарлар ён-атрофларида баъзан сарҳовуз тева-рагида тол ёки сада қайрағочлар ва супалар бўлиб субҳидамдан супа атрофига сувлар сепилиб супурилган... Бу ерда ўзига хос микроиқлим пайдо бўлар эди. Кўйлар яъни шоҳ кўчалар бўйлаб қад кўтарган паст-баланд иморатларнинг дарвоза ёки эшик олдида ҳам супачалар бўлиб, улар атрофи сув сепилиб супуриларди. Уларда дераза ўрнида дарча (туйнук)лар бўлиб, уларга бўз ёки қоғоз ёпиштирилиб совуқдан сақланарди. Қаҳратон қиш кунлари дўкон-хона, чойхона каби кўпчилик йиғиладиган жойларда гулхан ёқиб, оддий уйларда эса сандал қуриб иситиларди. Кечда хоналар асосан пахта мойидан



ёнадиган пиликли қорачироқлар билан ёритилиб, давлатманд кишиларнинг уйларидагина шам ёқилар эди.

Шаҳарнинг энг гавжум ва сершовқин ери унинг бозорлари бўлиб, уларнинг донғи атроф ўлкаларга таралган эди. Географик жойлашувнинг қулайлиги туфайли қадимдан йирик савдо шаҳри сифатида машҳур бўлгани учун Тошкентга бошқа мамлакатлардан муттасил савдо карвонлари келиб турарди. Масалан Тошкентда бўлган рус сайёҳи Филипп Назаров уни турли мамлакатлардан карвонлар узлуксиз келиб-кетадиган йирик савдо маркази деб таърифлайди.

Муҳаммад Солиҳ шаҳарнинг Регистон майдонидаги асосий савдо марказини таърифлаб: «Бозорнинг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади, халқ савдо-сотик, ҳар хил ўйин-кулгу қиларди», — деб ёзади. Дарҳақиқат, шаҳар бозори фақатгина савдо-сотик учун хизмат қилибгина қолмай шаҳарликлар ҳордиқ чиқарадиган жой ҳам эди. Шаҳар ҳокимининг турли фармонлари жоме масжиддан ташқари, Регистон бозорида ҳам жарчилар томонидан эълон қилинар эди. Бозор майдонида дорбозлар, қизиқчи ва бошқаларнинг томошаси намойиш этиларди.

Рус тадқиқотчиси В. Масальский Тошкентнинг эски шаҳар бозорини XX аср бошларидаги манзарасини тасвирлаб қуйидагиларни ёзган эди: «Бир қисми тимдан иборат бозорда 4,5 миңта дўкон, чойхона, ошхона, устакхона ва карвонсарой борки,



улар бозор кунлари ниҳоятда тиқилинч бўларди. Бозорга туташган кўчалар ва бозорнинг ўзи шаҳарликлар, даладан келган деҳқонлар, туя карвонлари, отлиқлар, аравалар билан шу қадар тўлиб кетадики, юришга илож бўлмай қоларди. Аллофу қандолатчи, баззозу сомсапаз, мисгару чилангар, новвою холвофуруш, каллапазу кабобпазларнинг бақирӣқ-чақирӣғи, гадоларнинг хайру садақа тилаши, қаландару маддоҳларнинг қироатли ўқишлари, туяларнинг бўкиришию эшакларнинг ҳанграши аралаш қуралаш бўлиб кетарди, бу маҳобатли гулдурос бозордан олис-олисларга эшитилиб турарди...

Ўрта Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида бўлгани каби Тошкентда ҳам ҳайит ва рўза кунлари бозоршаб (тунги бозор) ўтарди. Бозоршабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ёки майдон безатилиб, кўчанинг икки четидаги чойхона ва дўконлар олдига чорпоялар қўйилиб, ҳар хил мева-чева, озиқ-овқат сотилган. Карнай, сурнай ва ноғоралар чалиниб, махсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаган. Бир томонда кураш, бир ёнда ўргатилган ҳайвонлар томошаси...чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи, қизиқчи, раққослар ўз санъатларини намойиш қилган. Бозоршаб турли шаҳарларда бўлгани каби Тошкентда ҳам маҳаллий урф-одат, расм-русумга қараб ўтказилган...».

Бозорлардан ташқари, Тошкент ўз атрофидаги сўлим чорбоғлари билан ҳамиша машҳур бўлган. XVI аср адиби ва шоири Зайнудаин Восифий Тошкентда бўлганида унинг Калковуз бўйидаги гўзал боғини кўриб лол қолган ҳамда ўзининг «Бадаеъ ул-вақое»



(«Нодир воқеалар») асарида Тошкент боғларини таърифлар экан:

*Теграсин куршаган гўзал чорбоғлар,
Алардан Эрамнинг кўксиди доғлар,*

деб ёзади.

Сўнги ўрта асрларда ҳар бир даҳа аҳолисининг чорбоғ учун ўз тегишли мавзелари бўлар эди. Шаҳар аҳли баҳор, саратон ва кузни ўша ерда ўтказишар эди. Чунончи, Шайхонтаҳур даҳасининг чорбоғлари Оққўрғон, Дархон, Яланғоч ва Қорасув бўйларида; Бешоғоч даҳасининг чорбоғлари эса Чилонзор, Зангиота (Чўпонота), Миробод, Дўмбирабод, Қозирабод; Себзор даҳасининг чорбоғлари Ҳасанбой, Кўктерак; Кўкча даҳасининг чорбоғлари эса Назарбек, Кўксарой ва Колос бўйлари каби мавзеларда бўлар эди.

Баҳор келиши билан тошкентликлар от ва араваларда бирин-кетин боққа кўчишар, кеч кузда боғдан йиққан ва терганлари билан қоп ва хуржунларни тўлдириб, от ва араваларга юклаб шаҳар ҳовлиларига кўчиб келишар эди. Эрта баҳорда далага кўчиш вақтида шаҳардан далаларга томон йўналган кўчалар... Бу кўчаларнинг умумий манзарасини В. Масальский қуйидагича тасвирлайди: «...дала кўчаларининг икки томонидаги нураган пахса деворлар орқали шафтоли, ўрик, олма, гилос ва бошқа мевали дарахтларнинг анвойи ранг гуллари келинчаклардек мўралаб туради, офтобда қизиган, упадек майин, билқ-билқ тупроқли кўчалар ажобтовур бир сукунат оғушига чўмади. Аҳён-аҳёнда филдираклари осилиб



тушган ларзон шохларга тегай-тегай деб Қўқон арава ё эшаги ҳам ўзи сингари оҳиста мудраб бораётган деҳқон, ёхуд деворни паналаб кетаётган паранжили аёл ўтиб қолди-ю, кейин кўча яна улуғвор ва шарқона сокинлик қўйнига чўмади...».

Келтирилган тасвирлар ва айрим тарихий маълумотлар шубҳасиз Тошкент шаҳрининг ва тошкентликларнинг узоқ ҳамда яқин ўтмишидан кичик-кичик лавҳаларгина холос. Унинг ниҳоятда қизиқарли ва бой тарихининг кўпгина саҳифаларини тиклаш борасида археологик ва тарихий тадқиқотлар давом этмоқда. Айниқса пойтахтимизнинг мустақиллик даври тарихини ўрганиш алоҳида диққатга моликдир. Чунки нисбатан жуда қисқа тарихий давр мобайнида унинг қиёфаси таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди.



СЎНГСЎЗ

Хулоса қилиб айтганда Ўрта Осиё — тарихий Туркистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири — Тошкент XXII аср — 2200 йиллик мўътабар ёшга тўлди. Аввало таъкидлаш ўринлики, мазкур минтақада шаҳар маданиятининг шаклланиши — ўтроқ қишлоқ ва илк шаҳарларнинг қад кўтариши ҳамда хонаки касаначилик каби ишлаб чиқарувчи ҳаётий хўжаликларнинг юзага келиши ва ривож топиши билан узвий боғланган ҳолда кечган. Қолаверса, бундай ҳаётий чексиз тараққиётнинг муқимлашуви мазкур ўлканинг табиий ва ишлаб чиқарувчи кучлари — нуфусининг ижтимоий ва иқтисодий омиллари асосида намоён бўлган. Археологик ва топонимик малумотларнинг гувоҳлик беришича, шаҳарсозлик тамаддуди дастлаб Тошкент воҳасининг жануби-ғарбий қисми, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйилган қадимги ўзани ҳамда Чирчиқ дарёсининг Қорасув ва Салор каби тармоқлари этақларида шакланган ва кенгайиб борган. Ҳар икки воҳа дарёларининг қуйи оқимларида ҳосил бўлган қоқ ва кўлли табиий нам ерлар ўзлаштирилиб, уларнинг теварак-атрофида ястанган яйловларда чорва подалари боқилган. Натижада қатор юрту қишлоқлар ва айрим илк шаҳарлар қад кўтарган. Оҳангарон водийсида ўзлаштирилиб, обод этилган мазкур кичик



юрт тарихда Элоқ яъни Кичик Эл (Оққўрғон) номи билан юритилган. Ушбу элда кенгайиб марказлашган масканлардан бири милоддан аввалги III асрда ташкил топган Қанғ давлатини қишки қароргоҳига айланган.

Тарихда мазкур мамлакат Қанғ, Қанқа ёки Қанха, Чачанап қадимги Хитой солномаларида Канкия, Юни ва Ши, рус адабиётида Кангюй шаклларида қайд этилади, аҳолиси эса қанғар, қанғалик ёки қани каби номлар билан юритилган. Милоддан аввалги II—I ва милодий I—II асрларда Қанғ давлати ниҳоятда кучайган. Бу даврда Чирчиқ дарёсининг куйи тармоқлари Қорасув, Салор ва Жўн соҳиллари ободлашиб мазкур воҳада милоддан аввалги II асрдаёқ Чоч шаҳрига асос солинди. Сўнгра III асрдан бошлаб Қанғ давлати заифлашиб борган сари Тошкент воҳасининг маркази Элоқ (Оққўрғон)дан Чоч, яъни Чачанап воҳасига кўчган. Чоч шаҳри эса ўз навбатида давлат пойтахтига айланган. Хитой манбаларида қайд этилишича, Чоч воҳаси меросий тартибга асосан Юни деб, бош қишки қароргоҳ эса Ши ва Чжеши номлари билан юритилиб қайд этилган. Пойтахтни Чоч шаҳрига томон силжиши муносабати билан, қанғарликларнинг Қорақўл (Иссиққўл) соҳилидаги ёзги Бешқоқ қароргоҳи Арис дарёсининг Сирдарёга кўшилиши яқинида жойлашган «Қанғу Тарбанд», яъни Сув ёқасидаги қанғарликлар юрти (Ўтрор)га кўчирилган. Гарчи Қанғ давлатининг пойтахти Чоч шаҳрига кўчирилиб, Тошкент давлатнинг бош шаҳрига айлантирилган бўлса-да, Қанғ воҳаси атамаси янги пойтахтнинг кўча-кўй, ва маҳаллалари



номлари: Қани, Ўқчи, Мерганча, Дероз, Эгарчи, Қоратош, Қиёт, Кўймас, Чақар, Ракат ва ҳ.к.ларда ўз ифодасини топган.

Тошкент географик жиҳатдан қулай ерда жойлашганлиги ва иқлим шароитининг созлиги туфайли азалдан деҳқончилик ва чорвачилик ривож топган. Қадимда Тошкент атрофи баланд ва қалин девор билан ўралган кўрғон шаклидаги кичик шаҳарча бўлган. У «Чоч» деб юритилган. Араблар уни «Шош» деб аташган. VIII аср бошларида шаҳар халифалик кўшинлари томонидан вайрон этилгач у шимолигарбий ҳозирги Хадра майдони ҳудудларига кўчган «Мадинат аш-Шош» ва Бинкат номлари билан тилга олинади. Бинкат «Қуйи шаҳар» деган маънони англатган. Бинкатнинг ўрни Тошкентнинг айнан аввалги «Эски шаҳар» деб аталган қисмига тўғри келади. Маҳмуд Кошғарий уни «Таркан» деган ном билан ҳам атайди.

Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича Бинкат алоҳида-алоҳида қалин ва баланд деворлар билан ўраб олинган тўрт қисм; арк (ўрда) шаҳристон (ички шаҳар) ҳамда ички ва ташқи рабод (шаҳарнинг ҳунарманд ва косиблар яшайдиган ташқи қисм)ларидан иборат бўлган. Шаҳарнинг бўйи ҳам, эни ҳам бир фарсах (6—7 км) узунликка тенг бўлган. Шаҳарнинг маркази ҳисобланган арк ва шаҳристон қисмлари Тошкентнинг Хадра, Эски Жува ҳамда Чорсу майдонлари оралигидаги ҳудудга тўғри келади. Аркнинг умумий саҳни 1 гектар, шаҳристоннинг майдони эса 15 гектарча бўлган. Аркнинг икки дарвозаси, шаҳристоннинг Абул Аббос,




Қаср ва Гунбаз деб аталган учта дарвозаси бўлган. Бинкатнинг ички рабодининг ўнта, ташқи рабодининг еттита дарвозаси бўлган. Қадимги Тошкент шаҳар ҳокимининг саройи, қамоқхона, чақа ва тангалар сўқиладиган зарбхона аркнинг ичида бўлиб, ибодатхона унинг ташқарисига жойлашган. Ҳунармандлар маҳаллалари, амирларнинг қароргоҳлари, ердор деҳқонларнинг кўшк ва қўрғонлари, бозор, Бинкат шахристони ҳамда ички ва ташқи рабод қисмларида бўлган. Ҳарбий чокарларнинг турар жойлари ташқи рабодда жойлашган бўлиб, у Чакардиза деб юритилган. У Бешоғоч ва Хадра оралиғида, аввалги Чақар маҳалласида (кейинчалик Дўстлик майдони) бўлган.


Шаҳар деворидан ташқарида шаҳарликларнинг боғ-роғлари, токзор ва экин майдонлари жойлашган. Бу ерлар Самарқанд дарвоза, Чилонзор, Чўпонота, Қатортол, Назарбек, Дўмбиработ ва Қани каби аҳоли яшайдиган ҳудудларга тўғри келади.

Қадимда айниқса илк ўрта асрларда Буюк Ипак Йўлининг шимолий тармоғи Бинкат орқали ўтиб, бу халқаро савдода у муҳим ўрин тутган. Бу даврда Тошкентда қурол-яроғ ва мис буюмлар, ёғочдан ясалган асбоб ва ускуналар, эгару жабдуқлар, аравалар ясалган, ип ва ипак газламалар, жойнамоз ва чойшаблар, игна ва пичоқлар, устки либослар, пойабзаллар, чодирлар атроф юртларга чиқарилиб, чорвадор аҳоли ҳунармандлик маҳсулотлари билан таъминланган. Бу даврда айниқса Бинкатда ясалган ўқ-ёй бутун Шарқда «Камони Шоший» номи билан машҳур бўлган. Узоққа отиладиган ва нишонга беҳа-





Юнусобод Оқтепаси
топилмалари (чизма).



Бинкат. Шахристион кесмаси.
Сопол ўйинчоқлар.
X—XII асрлар.




то тегадиган бу камон шарқ адиблари асарларида таърифланган. Шаҳарда ясалган аравалар Қанғ — яъни баланд, катта филдиракли бўлиб, аҳоли ўртасида Қўқон арава деб юритилган.

Шаҳарнинг шимолий дарвозаси олдида қадимги бозор бўлиб, у Иско Жўба деб аталган. Бизнинг давримизгача у Эски Жува талаффузида етиб келган. Эски Жувадан шимолроқда жойлашган Сағвон маҳалласининг асли номи «Суқбон», яъни «Бозор посбони» маъносини англатган. Чунки Дашти Қипчоқдан ҳайдаб келинган отар-отар қўйлар, қорамол

ва йилқиларни қўриқлаган ва бозорда жаллоблик билан шуғулланган кимсалар шу маҳаллада яшаган.

Шаҳардан жанубга томон кетган катта карвон йўли Роҳикат, яъни Кат йўли ёки «Шаҳарга олиб борадиган шоҳ йўл» (яъни хиёбон) номи билан машҳур бўлган. Бу йўл ёқасида кейинчалик ташкил топган маҳалла ҳозирги вақтгача Ракат талаффузида юритилиб келмоқда. Роҳикат Чиночкат (Чинос) орқали Сайхун (Сирдарё) бўйларига ва у ердан Дизак (Жиззах) орқали Самарқандга томон йўналган. XI асрдан бошлаб Бинкат Тошканд (Тошкент) деб юритила бошланган.




Тошкент ўз тарихи жараёнида бир неча бор ташқи босқинчилар ҳужумига, ўзаро урушлар, кўчманчи қабилаларнинг чопқинларига бардош берган. Кўзғолонлар гирдобида қолган. VIII аср бошларида у Араб халифалигига, XIII аср бошида Хоразмшоҳлар давлатига бўйсундирилган. 1219 йилда эса Чингизхон кўшинлари томонидан вайрон қилинган.

XIV аср охирларидан бошлаб Тошкент яна жонланиб, XV асрда эса шаҳар атрофи янгитдан ягона девор билан ўралади. Бу даврда Тошкент ҳозирги Бешоғоч ва Ўрда томон кенгайган. Қоратош ва Олмазор маҳаллалари оралиғида Янги ўрда барпо этилади. Унинг атрофи шаҳарнинг энг обод ва кўркам қисмига айланади. Шаҳарда Юнусхон, Хўжа Аҳрор, Кўкалдош, Бароқхон ва бошқа мадрасалар, қатор мачит ва намозгоҳлар, ҳаммому гузарлар, зиёратгоҳ ва сайилгоҳлар барпо этилади.

XVI—XVII асрларда Тошкент янада кенгайиб,

унинг майдони XVIII асрда 15 минг гектарга етади. Бу даврда шаҳар тўрт даҳа (туман)га бўлинган эди. Манбаларда бу даҳалар Қаффоли Шоший, Зангиота, Шайхонтаҳур ва Шайхзайнуддин номлари остида таъриф этилса-да, шаҳар аҳли ўртасида улар Себзор, Бешоғоч, Шайхонтаҳур ва Кўкча деб юритилган. Бу даврда шаҳарга 12 дарвоза орқали кирилган. У шаҳарликларнинг зич жойлашган паст-баланд лой томли турар жойлари, тор кўчалардан иборат эди. Кўча-кўйлар қишда лой, ёзда чангли бўлган. Бу давр Тошкент тарихида «Чорҳоким»лик яъни «Тўртҳоким» замони деб юритилади.

Шайхонтаҳур даҳасининг ҳокими (1784) Юнусхўжа, Тошкентнинг тўрт даҳасини ягона давлатга бирлаштиради. Шу тариқа, ҳатто XVIII аср охири ва XIX аср бошида мустақил Тошкент давлати ташкил топади. Кейинчалик у Кўқон хонлигига қўшиб олинган.



Тошкент. Ху(ш) қанғ — Кўқон арава.

1865 йилда Тошкент Россия империяси кўшинлари томонидан босиб олинади. 1867 йилда ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази ва мустамлака маъмурларини қароргоҳига айлантирилади. Айни шу вақтдан бошлаб Анҳор каналининг сўл соҳили бўйлаб Янги шаҳар қад кўтаради. Унга рус маъмурлари жойлаштирилади. Янги шаҳарда тош терилган бир қанча кенг кўю-кўчалар ўтказилиб, фонарлар ўрнатилади. Ойнабанд турар жойлар, бир неча ҳашаматли бинолар қурилади. Пахта тозалаш, ёғ заводлари, темир йўл устaxonаси каби саноат корхоналари барпо этилади.

Янги шаҳарнинг марказий кўчалари, айниқса, Воскресенск бозори (ҳозирги Навоий театри майдони) атрофида дўкон, банк, меҳмонхона, ресторан ва ҳоказолар қад кўтаради. Шаҳарда дастлабки дорихона, амбулатория, эркаклар ва хотин-қизлар гимназиялари, реал билим юрти ташкил этилади. 1899 йилда Тошкент темирйўл вокзали қурилади. Музей, рус-тузем мактаблари очилиб, рус ва ўзбек тилларида газеталар чиқа бошлайди. Гарчи подшо маъмуриятининг диққати бутун «янги шаҳар»га қаратилган бўлиб, «эски шаҳар» уларнинг эътиборидан четда қолган бўлса-да, аммо янги шаҳар қурилиши эски шаҳардаги қурилишларга ҳам маълум даражада таъсир этади.

1917—1924 йилларда Тошкент Туркистон Автоном Республикаси, 1930 йилдан бошлаб Ўзбекистон шўро Республикасининг пойтахтига айлантирилди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари душман босиб олган Россиянинг марказий шаҳарларидан эвакуация



қилинган олимлар билан ҳамкорликда Тошкентда йирик ишлар амалга оширилди, халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг кўпгина соҳалари бўйича мутахассислар етишиб чиқди. Бу даврда олийҳиммат халқимиз шу жумладан тошкентликлар, айниқса, уруш туфайли етим ва бошпанасиз қолган минглаб болаларни бағрига олиб, юксак инсонпарварлик намунасини кўрсатадилар.

1966 йилги Тошкент zilzilасидан сўнг Тошкент меҳнатсевар ўзбек халқимиз ҳамда қардош халқларнинг биродарларча ёрдами туфайли қайта қурилди. Бизнинг давримизда Тошкент ниҳоятда кенгайиб, унинг чегарасидан узунлиги 67 километрли айланма йўл ўтказилди. Чилонзор, Юнусобод, Яланғоч, Қорасув, Қўйлуқ, Мевазор, Талабалар шаҳарчаси ва бошқа турар жой мавзеларидаги кўркам маҳаллаларда минглаб шаҳарликлар истиқомат қилмоқда. 1977—1984 йилларда Ўрта Осиёда дастлабки ер ости транспорт — Тошкент метросининг 1—2-навбати ишга туширилди. Шу кунларда унинг Юнусобод йўналиши қуриб битказилмоқда. 1985 йили баландлиги 375 метрли янги телевизион минора қад кўтарди (илгаригиси 180 метрли эди). Тошкентнинг маркази айниқса ободонлашди. Кўп қаватли маъмурий бинолар, матбуот уйи, «Пахтакор» стадиони, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Навоий номидаги Опера ва балет театри, Ўзбекистон Миллий театри ва кўпгина бошқа муҳташам биноларга улуғворлик бахш этиб турибди.

Тошкент мустақиллик йилларда, айниқса, ободонлашди ва кўркамлашди. Ҳозирги вақтда «Чорсу»,



«Континентал», «Ле гранд Плаза», «Марказий» каби замонавий меҳмонхоналар, Миллий банк бинолари, «Тошкентленд» болалар боғи, «Жар» ва Тошкент спорт мажмуалари, Темурийлар тарихи давлат музейи, Амир Темури, Улуғбек, Пушкин ва Навоий ҳайкаллари шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Тошкент — Ватанимизнинг йирик саноат марказларидан бири. Кейинги йилларда шаҳарда юзлаб янги-янги корхона ва қўшма корхоналар ишга туширилди. Йирик илмий марказ ҳисобланган Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент аграр Университети, Иқтисодиёт Университети, ўнлаб илмий тадқиқот институтлари, бир қанча академиялар, ўндан ортиқ музей, кутубхона, театр ва маданият саройлари бор. 1999 йилда шаҳарда Ислом Университетининг очилиши халқимизнинг маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Тошкент шарқдаги машғал бўлиб, унда ҳар йили ижтимоий тараққиёт, фан ва техника, маданият ва санъат ҳамда экология масалаларига бағишланган ўнлаб халқаро анжуман ва йиғилишлар, кинофестиваллар, халқаро спорт мусобақалари ўтказилади. Тошкент кўп миллатли байналминал шаҳар бўлиб, унда истиқомат қилувчи қарийб 2,5 миллион аҳоли 130 миллат фарзандларидир.

Жорий йилда пойтахтимиз аҳолиси мустақилликнинг 18 йиллигини ва Тошкентнинг 2200 йиллигини улкан бунёдкорлик ютуқлари билан тантанавор нишонлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.



МУНДАРИЖА

<i>Кириш</i>	3
Тошкент воҳасида ибтидоий маданият излари	9
Бурганлисойдаги ибтидоий деҳқончилик қишлоқ харобалари	14
Жўнариқ бўйидаги қадимги қишлоқ	22
Шоштепа — илк шаҳар ибодатхонаси харобаси	27
Қанғ шаҳри — Чоч воҳасининг пойтахти	32
Мингўрикдаги қадимги Тошкент	42
Оқтепа — илк ўрта аср қасри	56
Бинкат — ўрта асрлардаги Тошкент	70
Қўш номли Тошкент	84
Тошкентнинг қадимий номлари	97
Тошкентнинг тўрт даҳаси	105
<i>Сўнгсўз</i>	115

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ

**ҚАНҒ-ҚАДИМГИ ТОШКЕНТ
ВА ТОШКЕНТЛИКЛАР**

(тарихий лавҳалар)

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2009

Муҳаррир *Ш. Эргашева*
Бадний муҳаррир *М. Аъламов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова, Д. Габдрахманова*
Саҳифаловчи *Л. Бацева*
Мусаҳҳиҳлар: *Ш. Хуррамова, Ж. Тоирова*

Босишга рухсат этилди 27.08.2009. Бичими 70x100 ¹/₃₂.
Таймс Uz гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табағи 5,16.
Нашриёт ҳисоб табағи 6,06. Адади 3000 нусха. Буюртма № 612.
Баҳоси келишилган нархда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41**

М—96

Муҳаммадҷонов, Абдулаҳад

Қанғ — қадимги Тошкент ва тошкентликлар: (та-рихий лавҳалар).— Т.: «Sharq», 2009.— 128 б.

ББК 63.3(0)